БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 64 (17.942). • 18 март 1981 йил, чоршанба • Баҳоси 2 тийин.

МАККАЖЎХОРИ ЭКИШ ҚИЗҒИН

СУРХОНДАРЁ ОБЛАСТИ. Жарқўрғон районидаги «Социализм» колхози механизаторлари областда биринчилардан бўлиб агрегатларини далаларга олиб чиқдилар. Бу ерда маккажўхори экиш қизғин тус олди. Дала гвардиячилари ипатоволиклар методига қатъий амал қилган ҳолда иш олиб бориб, кунлик нормаларини ошириб бажаришга эришмоқдалар.

Суратда: «Социализм» колхозининг маккажўхори экишда фаол қатнашаётган пешқадам механизаторларидан Урозали Тиловов (чапда) ва Эшмирза Шонназов ўртоқлар.

И. Хўжаев фотоси. (ЎзТАГ).

КПСС XXVI съезди қарорларини амалга оширамиз

БЕШ ЙИЛЛИКНИ ЗАРБДОРЛАРЧА БОШЛАЙЛИК

СУРХОНДАРЁ

Сурхондарё область партия-хўжалик активининг 17 март куни Термизда бўлиб ўтган йиғилиши КПСС XXVI съездининг якунларига ва область партия ташкилотининг съезд қарорларини, КПСС Марказий Комитети Бош секретари Ўртоқ Л. И. Брежнев партия Марказий Комитети номидан қилган Ҳисобот докладидан келиб чиқадиган қоидалар ва хулосаларни бажариш соҳасида область партия ташкилотининг вазифаларига бағишланди. Область партия комитетининг биринчи секретари А. К. Каримов доклад қилди.

Докладчи ва музокараларда сўзга чиққан нотиқлар — Термиз шаҳар партия комитети биринчи секретари Х. Тожиддинов, Ангор район партия комитети биринчи секретари К. Бозоров, Жарқўрғон район партия комитети биринчи секретари И. Рустамов, Қумқўрғон районидаги «Қизил Октябрь» колхозининг бригадири, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Х. Мухторов, Гагарин районидаги «Пограничник» совхозининг бригадири, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Э. Бўриев, Денов ёғ экстракция заводининг ишчиси Ю. Б. Ядринская, Шеробод шаҳридаги Макаренко номли мактаб ўқитувчиси З. Турдиева, Шўрчи районидаги «Коммуна» колхози маккажўхорикорлик бригадасининг бошлиғи Р. Ҳайдаров, «ВЛКСМ 30 йиллиги» совхозининг директори Н. Раҳмонқулов бутун совет халқи сингари область меҳнаткашлари ҳам партия XXVI съездининг тарихий қарорларини баланд руҳ билан кутиб олганликлари тўғрисида, сурхондарёликлар мамлакатни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг партия белгилаб берган программасини амалга оширишга муносиб ҳисса қўшишга шай эканликлари ҳақида гапирдилар.

Йиғилиш қатнашчилари ўнинчи беш йиллик якунларини таҳлил қилиб, ҳали ҳам мавжуд камчиликларга катта эътибор бердилар, фойдаланилмаётган резервларни кўрсатиб ўтдилар, бу резервларнинг ишга туширилиши ўн биринчи беш йилликда область олдида турган вазифаларни муваффақиятли ҳал этиш имконини беришини таъкидладилар. Ҳал қилиш лозим бўлган вазифалар эса жуда кўп. Иқтисодий ва социал ривожланиш планида саноат ишлаб чиқаришини, капитал қурилиш ҳажмини анча кўпайтириш кўзда тутилган. Шўрчи тегирмон комбинатининг бутун комплексини, Хўжанкон конида туз қазиб чиқарадиган ва уни қайта ишлайдиган корхонани қуриш ва ишга туширищ, Бойсун кўмир конини ўзлаштиришга киришиш, Оқтепа сув омборини қуриб битказиш, бир қанча бошқа муҳим ирригация объектларини ишга туширищ белгиланган.

Қишлоқ хўжалиги ходимлари олдида катта вазифалар турибди. Йиллик пахта етиштириши беш йиллик охирига бориб 600 минг тоннага етказиш, ялпи дон ҳосилини анча кўпайтириш, ҳўл мева, сабзавот етиштиришни ошириш режалаштирилмоқда, гўшт ва сут етиштириш 1,8 баравар, тухум етиштириш 2,4 баравар кўпайтирилиши керак.

Ингичка толали пахта етиштириш Сурхондарё деҳқонларининг ҳозир ҳам асосий вазифаси бўлиб қолмоқда. Бу область шундай пахта етиштириш жиҳатидан республикада етакчи, мамлакатда энг йирик областлардан биридир. КПСС XXVI съездининг қарорларига жавобан йилига 300 минг тонна шундай пахта етиштиришдан иборат илгари белгиланган маррага беш йиллик охирида эмас, балки 1983 йилда эришиш мажбурияти қабул қилинди.

Қишлоқ хўжалигида белгиланган планларни муваффақиятли бажариш учун, деб таъкидланди йиғилишда, суғориладиган ерлардан, сувдан, ўғитдан, машина-механизмлардан ва бошқа моддий-техника ресурсларидан самаралироқ фойдаланишни таъминлаш зарур. Барвақт ҳосил олишга эришиш — пахтачиликдаги асосий вазифадир. Бунинг учун экишни барвақт муддатларда ўтказиш, ғўзаларни ўз вақтида ва юқори сифатли парвариш қилишни таъминлаш лозим.

Ҳозир область қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари ҳаётида масъулиятли палла бошланди. Асосий экин бўлган чигит экишга тайёргарлик тугай деб қолди. Экишни шундай ўтказиш керакки, шу йилнинг ўзида мўл ҳосил етиштириб шу тариқа ўн биринчи беш йилликни зарбдорларча бошлаб юбориш мумкин бўлсин. 1981 йил план ва мажбуриятларини сўзсиз бажариш учун социалистик мусобақани кенг авж олдиришни таъминлаш — партия, совет, касаба союз, комсомол ташкилотларининг бурчидир. Бу эса КПСС XXVI съезди қарорларини амалга оширишга муносиб ҳисса бўлади.

Йиғилиш иштирокчилари хўжалик ва маданий қурилишнинг ўсиб бораётган вазифалари бутун ташкилотчилик ва идеология ишидаражасини ошириши қатъий талаб қилаётганлигини таъкидладилар. КПСС XXVI съездининг материалларини, ўртоқ Л. И. Брежнев докладидаги қоидалар ва хулосаларни тушунтириш ишларини кенг авж олдириш партия ташкилотларининг ғоят муҳим вазифасидир.

Йиғилишда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов нутқ сўзлади.

Йиғилиш қатнашчилари область меҳнаткашлари партия съездининг тарихий қарорларини, КПСС Марказий Комитети Бош секретари Ўртоқ Л. И. Брежневнинг докладида ва якунловчи нутқида баён этилган кўрсатмаларни амалга ошириш учун бутун куч, гайрат, маҳоратларини сарфлайдилар, деб ишонч билдирдилар.

СИРДАРЁ

Область партия активининг 17 март куни Гулистонда бўлиб ўтган йиғилиши қатнашчилари КПСС XXVI съездининг якунлари ва Сирдарё область партия ташкилотининг съезд қарорларидан ҳамда КПСС Марказий Комитети Бош секретари Ўртоқ Л. И. Брежневнинг докладидан келиб чиқадиган вазифаларини муҳокама этдилар. Область партия комитетининг биринчи секретари В. А. Хайдуров доклад қилди.

Партия съездининг тарихий қарорлари, деб қайд қилиб ўтилди докладда ва нотиқларнинг сўзларида, Сирдарё области коммунистлари, барча меҳнаткашларнинг ижобий кучига куч бағишлади, ўз куч-ғайратларини ўн биринчи беш йилликда партиянинг улкан режаларини амалга ошириш учун сарфлашга чорлади.

Шу йилнинг ўзидагина областда саноат ишлаб чиқариш ҳажмини ўстиришни 9,2 процентга етказиш, меҳнат унумдорлигини 4,6 процент ошириш кўзда тутилади. Область саноати маҳсулотнинг ўнлаб янги турларини ишлаб чиқаришни ўзлаштиради, 13 та автомат ва поток линия ишга тушади.

Қишлоқ меҳнаткашлари олдида катта вазифалар турибди. Пахтакорлар бу йил мамлакатга 415 минг тонна «оқ олтин» топширишни мўлжалламоқдалар. Янги суғориладиган 7.500 гектар ер ўзлаштирилади ва қишлоқ хўжалик оборотига киритилади.

Йиғилиш иштирокчилари КПССнинг ички ва ташқи сиёсатини якиллик билан қўллаб-қувватлаётганликларини таъкидлаб, съезд қарорлари муваффақиятли амалга оширилади, деб ишонтирдилар.

Йиғилишда Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Н. Ж. Худойбердиев нутқ сўзлади.

ХОРАЗМ

Хоразм область партия активининг Урганчда 17 март куни бўлиб ўтган йиғилишида КПСС XXVI съездининг якунлари ва область партия ташкилотининг съезд қарорларидан, КПСС Марказий Комитети Бош секретари Ўртоқ Л. И. Брежнев докладидан келиб чиқадиган вазифалари муҳокама этилди. Область партия комитетининг биринчи секретари М. Худойберганов доклад қилди.

Область меҳнаткашлари, деб таъкидланди йиғилишда, партия тарихий съездининг коммунистик бунёдкорликнинг бундан буёнги йўлларини белгилаб берган қарорларини ғоят баланд руҳ билан кутиб олдилар. Хоразм областининг меҳнат коллективлари ўн биринчи беш йилликда бунёдкорлик ишларининг катта программасини амалга оширишлари лозим. Шоликорлик совхозлари, чорвачилик комплекслари тез суръатлар билан қурилади. Мелиорация қилинган ерларнинг самараси ошади. Область пахтакорлари 1981 йилнинг ўзидагина Ватанга камида 415 минг тонна «оқ олтин» топширадилар. Деҳқонлар ўтган йиллардагидан анча кўп дон, пилла, мева ва сабзавот маҳсулотлари етиштирадилар.

Сўзга чиққан нотиқлар белгиланган марраларни эгаллаш учун меҳнатни ташкил этишни бутун чоралар билан такомиллаштириш, хўжаликда партия раҳбарлиги даражасини ошириш лозимлигини уқтириб ўтдилар.

Йиғилишда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюро аъзолигига кандидат, Ўзбекистон ССР Давлат хавфсизлиги комитети раиси Л. Н. Мелкумов нутқ сўзлади.

(ЎзТАГ).

Л. И. БРЕЖНЕВ К. ФОМВИХАН БИЛАН СУҲБАТЛАШДИ

КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси Л. И. Брежнев ЛХРПнинг КПСС XXVI съездидаги делегациясига бошчилик қилган Лаос Халқ Революцион партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, ЛХДР Бош министри К. Фомвихан билан суҳбатлашди.

К. Фомвихан Л. И. Брежневни яна КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари лавозимига сайланганлиги билан Лаос коммунистлари, бутун Лаос халқи номидан самимий муборакбод қилди. У КПСС XXVI съезди ғоят катта халқаро аҳамиятга эга эканлигини таъкидлади, съезд чиқарган хулосалар ва қоидалар марксча-ленинча назария ва революцион практикани янада ривожлантирганлигини қайд этди. ЛХРП, деди К. Фомвихан, съездда Л. И. Брежнев КПСС Марказий Комитети номидан қилган Ҳисобот докладида баён этилган КПССнинг ташқи сиёсий программасига батамом қўшилади ва уни қўллаб-қувватлайди. Биз Лаосда социализм негизларини барпо этиш ҳамда унинг миллий мустақиллиги ва суверенитетини ҳимоя қилиш ишида берилган самарали ёрдами учун Совет Иттифоқидан астойдил миннатдормиз.

Л. И. Брежнев табриклар учун ташаккур билдириб, қардош Лаос халқининг ишлари совет коммунистларига, барча совет кишиларига яқин эканлигини айтди. Империализм кучлари ва пекинлик гегемончиларнинг кирдикорлари натижасида Жанубий-Шарқий Осиёда вужудга келган ҳозирги кескин бир вазиятда Совет Иттифоқи аввал бўлганидек ҳозир ҳам Лаос томонида қаттиқ турибди, унинг региондаги мамлакатлар билан яхши қўшничилик муносабатларини ривожлантириш борасидаги куч-ғайратларини қўллаб-қувватламоқда. Ҳинди-Хитойдаги уч давлатнинг дунёнинг шу районидаги вазиятни соғломлаштиришга қаратилган ташаббусини маъқулламоқда.

Л. И. Брежнев Лаос коммунистларига, Лаосниг барча меҳнаткашларига совет коммунистлари, барча совет кишилари номидан янги, социалистик жамият барпо этиш йўлида муваффақиятларга эришувларини тилаб билдирган истакларини топширди.

Суҳбат қардошларча дўстлик, сидқидиллик ва фикрларнинг тўла бирлиги вазиятида ўтди.

(ТАСС).

ПАРТИЯ РЕЖАЛАРИ ҲАЁТГА

Сўз—КПСС XXVI съездида қатнашган ўзбекистонлик бир гуруҳ делегатларга

Азиз ўртоқлар! Жонажон партиямиз XXVI съездида қатнашган биз, ўзбекистонлик делегатларнинг ўз партия ташкилотларимизга, меҳнат коллективларимизга, иш жойимизга қайтиб келганимизга ҳам ўн кундан ошди. Ҳозир ҳаммамиз енг шимариб ишга киришдик. Дастгоҳларни юргизиб, янги қурилишлар заминига дастлабки кубометр бетонни қуйдик. Муҳим халқ хўжалик ишларини белгиланган манзилга барвақт элтиб, алоқа хизматини янада яхшилаш резервларини қидириб топишга киришдик. Тежамкорлик ва иқтисод учун шахсий варақаларимизни очдик. Барчамизнинг диққат-эътиборимиз КПСС XXVI съезди тарихий қарорларини муваффақиятли бажаришга, бунинг учун кўпроқ нималарга эътибор бериш зарурлигига қаратилган. Съезддан олган зўр таассуротларимиз, фикр-ўйларимиз, ҳис-туйғуларимиз бизни «Совет Ўзбекистони» газетаси орқали сиз, забардаст ишчилар, қўли гул қурувчилар, фидокор транспортчилар ва чаққон алоқа ходимларига мурожаат қилишга даъват этди.

Партиямиз XXVI съезди илгари сурган улуғвор вазифаларни рўёбга чиқаришга муносиб ҳисса қўшиш ҳар бир меҳнат коллективининг, ҳар бир ишчининг, қурувчининг, транспортчининг ва алоқа ходимининг муқаддас бурчи, шон-шарафли ишидир. Республикамизда коммунистларнинг олий анжумани белгилаб берган планларни муваффақиятли бажариш учун ҳамма имкониятлар бор. КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси Ўртоқ Л. И. Брежнев съездга қилган Ҳисобот докладида таъкидлаганидек, биз қудратли иқтисодий ва илмий-техникавий потенциалга, яхши тайёрланган, ишга садоқатли кадрларнинг кўп сонли армиясига эга бўлган ҳолда янги ўн йиллик даврга қадам қўйдик. Ўтган ўнинчи беш йилликдаги иш натижаларимиз янги парвозлар учун мустаҳкам замин бўла олади. Рақамларга мурожаат қилайлик. Ўнинчи беш йиллик мобайнида республикамизнинг миллий даромади 29 процентдан зиёдроқ кўпайди. Асосий ишлаб чиқариш фондлари бир ярим баравар ортди. Бутун мамлакатда бўлгани каби Совет Ўзбекистонининг экономикасида ҳам чуқур сифат ўзгаришлари рўй берди, иқтисодий ишлаб чиқаришнинг самарадорлиги янада ошди.

Эндиги вазифамиз ана шу ютуқларни мустаҳкамлаш ҳамда уни ривожлантиришдан, ўн биринчи беш йилликни ҳам самарадорлик ва сифат беш йиллигига айлантиришдан иборат. Бунинг учун социалистик мусобақани тобора авж олдиришимиз, ички имкониятлар ва резервларни сабот билан излаб топиб, уни ҳаракатга келтиришимиз лозим. Бундай резерв ва имкониятлар нималардан иборат? Худди ана шу ҳақда сизлар билан ўртоқлашмоқчимиз.

Республикамизда ўнинчи беш йиллик даврида экономиканинг негизи ва пойдевори бўлмиш индустрияни мутлақо янгилаштиришга алоҳида эътибор берилди. Фан-техника тараққиётини белгиловчи тармоқлар аввалгидек илдам суръатлар билан ривожлантирилди. Ёқилғи саноатида жуда бой газ манбалари ишга туширилди. Кўмир саноати ходимлари тоширилган иш учун юксак масъулият туйғусини намунасини кўрсатдилар. Бизнинг ёқилғи-энергетика комплексини ривожлантиришдаги ютуқларимиз ҳаммага қувонч бахш этади. Аммо, биз экономиканинг жуда катта миқёслари тобора кўпроқ миқдорда ёқилғи ва энергия талаб қилишини эътиборга олишга мажбурмиз. **Шу сабабли республиканинг ёнилғи-энергетика базасини ҳар томонлама мустаҳкамлаш ҳамон энг муҳим вазифаларнинг бири бўлиб қолмоқда. Шунинг учун ёнилғи, ёқилғи ва мойлаш ресурсларидан тежаб-тергаб оқилона фойдаланайлик.** Ўз корхонамиз, ташкилотимиз, цехимиз, участкамиз, бригадамиз, звеномизнинг ҳамма ишлари учун шахсий жавобгарлик, бурчни чуқур ҳис этиш ҳар биримизнинг фазилатимиз бўлиб қолсин.

Ўзбекистонда рангли металлургияни тараққий эттириш соҳасида ҳам катта тадбирлар амалга ошириляпти. Афсуски, бу тармоқни ривожлантириш борасидаги айрим вазифалар ҳал этилгани йўқ. Олмалиқ кон-металлургия комбинати мис-руда қазиб олиш ва қайта ишлаш, мис, қўрғошин ишлаб чиқариш планини бажара олмади. Рангли металлургия корхоналарини реконструкциялаш ва техника билан қайта қуроллантиришга биринчи даражали аҳамият берайлик, бутун куч ва ресурсларни ана шу тармоқларни жадаллаштиришга сафарбар этайлик. Самарали технология жараёнларини жорий қилиш, хом ашёдан комплекс фойдаланиш юзасидан бутун куч ва билимимизни, тажриба ва маҳоратимизни ишга солайлик.

Жаҳондаги энг яхши намуналар билан тенглашадиган янги техника яратиш — иқтисодий вазифагина бўлиб қолмай, шу билан бирга энг муҳим ва масъулиятли сиёсий вазифа ҳамдир. Шу нуқтаи назардан қараганимизда республикамизда пахтачилик ва пахтани қайта ишлаш учун ишлаб чиқарилаётган айрим машиналарнинг сифати паст эканлиги бизни жиддий ташвишлантирмоқда. **Ўн биринчи беш йилликда янги машина ва механизмларни жорий қилишни тезлаштириш ҳамда мавжудларини такомиллаштиришни зарур, деб ҳисоблаймиз. Улар ўзларининг хусусиятлари жиҳатидан ҳозирги энг юксак талаблар даражасида бўлишини таъминлашимиз керак.**

Жонажон партиямиз халқ фаровонлигини янада юксалтиришнинг кенг программасини олга сурмоқда. Бу программа совет кишилари ҳаётининг ҳамма томонларини — истеъмол ва уй-жой, маданият ва дам олиш, меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилашни ўз ичига олади. Халқ истеъмол қиладиган моллар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, уларнинг турларини кўпайтириш ва сифатини ошириш ана шу тадбирлар орасида алоҳида аҳамиятга молик-дир. Республикамизда бу соҳада ҳам олга томон сезиларли силжишга эришилди. Ўтган беш йилликда «Б» группаси тармоқларининг маҳсулоти тўққизинчи беш йилликка нисбатан 5,6 миллиард сўмлик миқдорда кўпайганлиги, буюмлар тайёрлаш суръати йилига ўрта ҳисобда 7,8 процентга етганлиги фактининг ўзи шундан далолат бериб турибди. Бироқ биз истеъмол моллари ишлаб чиқариш учун ҳамма имкониятлардан тўла-тўкис фойдаланямизми? Афсуски, йўқ. Пойабзал, кийим-кечак, мебель, рўзғор асбоблари, болаларга аталган молларнинг турлари суст кўпайтирилмоқда ва сифати секин яхшиланмоқда.

Ўн биринчи беш йиллик план топшириқларининг муваффақиятли бажарилиши кўп жиҳатдан капитал қурилишнинг аҳволига боғлиқдир. Республикамизда бу соҳада фахрлансак арзийдиган ишлар амалга оширилди. Капитал маблағларни ўзлаштириш ва қурилиш-монтаж ишлари юзасидан ўнинчи беш йиллик плани муддатидан илгари бажарилди. 1980 йилда чала қолган қурилишлар даражасини 13 процент қисқартиришга эришдик. Ўтган беш йиллик даврида салкам 25 миллиард сўм, яъни тўққизинчи беш йилликдагига нисбатан 1,3 баравар кўп маблағ ўзлаштирилди. Шу билан бирга айрим министрликлар ва идоралар асосий фондларни, ишлаб чиқариш қувватларини ва объектларни ишга туширищ юзасидан белгиланган беш йиллик топшириқларини тўла-тўкис бажармади.

Хўжалик ҳисобидаги бригада пудрати меҳнат унумдорлигини оширишнинг муҳим резервидир. Биз Ангрендаги «Ўзбекшахтострой» трести коллективининг мана шу илғор усулда ишлашга тўла-тўкис ўтганлигига қойил қолмоқдамиз. Янги беш йилликдаги бинокорлар олдида турган вазифа ҳамма жойда Злобин методини жорий этишдир.

Ўн биринчи беш йилликда республикамизда капитал маблағ ҳажми 22—25 процент, яъни умуман мамлакатда бўлганига нисбатан қариб икки ҳисса ортади. Бу вазифани рўёбга чиқариш ҳар бир қурувчи, бинокорлик ва монтаж ташкилотининг коллективларидан, улардаги партия ташкилотларидан қурилиш ишларига инженерлик ҳозирлигини янада такомиллаштиришни, ишларни индустриллаш даражасини оширишни, қўл меҳнатини қисқартиришни, ўз ишлаб чиқариш базасини жадал ривожлантиришни талаб қилади. Сиз билан бизнинг бурчимиз КПСС XXVI съездининг жанговар руҳини ўз коллективимизга сингиришдан, шахсий ибратимиз билан ҳам касбларимизга намуна бўлишдан иборатдир.

Иқтисодий ишлаб чиқаришнинг самарадорлиги ва сифат йўли — қисқа муддатли кампания эмас. Бу иқтисодий ва социал ривожланишнинг истиқболдаги кўп йилларга мўлжалланган белгиловчи омилдир. Биз ўзимиз ишлаб турган тармоқларни янада тараққий эттиришнинг етилган ҳамма масалаларини мана шу талаблар асосида кўриб чиқмогимиз керак. Баъзи корхоналарда машина ва асбоб-ускуналарни ишлатиш коэффициенти ҳамон пастлигича қолаётганлигидан кўз юмолмаймиз. Ўн биринчи беш йиллик план топшириқларини адо этиш учун ғоят юксак уюшқоқлик, тартиб ва интизомни мустаҳкамлаш керак. Ҳар бир иш жойида, ҳар бир участкада, ҳар бир коллективда ижодий ва юксак даражада унумли ишлаш учун шароит яратиш — муваффақиятлар гаровидир.

Азиз ўртоқлар! КПСС XXVI съезди олдимизга ғоятда мураккаб, аммо бажарса бўладиган реал вазифаларни қўйди. Унинг шараф билан бажарилишига ҳеч қандай шак-шубҳа йўқ. Чунки биз, совет кишилари эртанги кунга комил ишонч билан қараймиз. Ўзимиз эга бўлган нарсаларнинг ҳаммаси ўз меҳнатимиз билан яратилганлигини, умумхалқ мулкига айланганлигини биламиз, фидокорона меҳнатимизнинг куч-қудратига ишонамиз. Мана шу комил ишонч КПСС XXVI съезди тарихий қарорларини амалга ошириш учун бошлаб юборган социалистик мусобақамизда йўлчи юлдуз бўлиб порласин.

Н. МАННОПОВ, В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг йиғувчи слесари, КПСС Марказий Ревизия комиссияси аъзоси, Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати, **Г. БЕКБЎЛАТОВА**, Гулистондаги Ўзбекистон комсомоли 50 йиллиги номли тикувчилик фабрикасининг тикувчи-мотористка, **Г. ЦХОВРЕБОВ**, Самарқанд авиакорхонасининг учувчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, СССР Давлат мукофоти лауреати, **А. БОМУРОДОВ**, «Газлинефтегаздобича» ишлаб чиқариш бирлашмасининг оператори, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, **С. БАХРИЕВ**, «Чирчиқхимстрой» бошқармасининг бригада бошлиғи, **Ё. МАРАСУЛОВ**, «Андижанирстрой» трестининг Шаҳрихон қурилиш-монтаж бошқармаси экскаваторчиси, СССР Давлат мукофоти лауреати, **А. МИРЗАЖОНОВ**, Қўқон локомотив депосининг машинисти.

ИСТЕЪДОД ВА ИЛҲОМИМИЗ — СЕВИКЛИ ВАТАНГА

Республика диёрига улкан шодиёна — мамлакатимиз халқлари маданиятларининг қардошлиги байрами: Ўзбекистонда совет адабиёти кунлари кириб келмоқда. Очиқ китоб устидаги олтин перо — мана шу кунларнинг нишони Тошкентни безаб турибди. Бу нишон турли шаҳарлардаги театрлар, қишлоқ клублари, колхоз маданият саройларининг пештоқларида пайдо бўлди. Қардош республикалар адабиёти вакилларини бутун Ўзбекистон кутмоқда. Ёзувчилар, шоирлар, драматургларнинг ўз китобхонлари билан учрашиш учун бу ерга келадилар.

Адабиёт байрами тантаналли бошланиш арафасида Тошкентда СССР Ёзувчилар союзи бадиий адабиётни пропаганда қилиш Бутуниттифоқ бюроси кенгашининг XIII пленуми очилди. КПСС XXVI съезди қарорлари асосида бадиий адабиётни пропаганда қилиш вазифалари пленумнинг кун тартибига киритилган.

Республика ижодий союзи правлениесининг биринчи секретари С. О. Азимов Ўзбекистон ёзувчилар ташкилоти номидан пленум иштирокчиларига табрик сўзи билан мурожаат қилди.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, Госплан раиси Қ. А. Аҳмедов пленум қатнашчиларини Ўзбекистонни ўн биринчи беш йилликда ва 1990 йилгача бўлган даврда иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг истиқболлари билан таништирди.

СССР Ёзувчилар союзи правлениесининг секретари Р. Ф. Казакова КПСС XXVI съезди қарорлари асосида бадиий адабиётни пропаганда қилиш вазифалари тўғрисида доклад қилди.

Қизил Байроқ орденли Туркистон ҳарбий округи қўшинларининг қўмондони, генерал-полковник Ю. П. Максимов ва ёзувчи, Совет Иттифоқи Қаҳрамони В. В. Карпов ўз нутқларини ҳарбий ватанпарварлик тарбиясига ҳамда бадиий адабиётни пропаганда қилиш масалаларига бағишладилар.

Пленум қатнашчилари ёзувчиларнинг Ўзбекистон диёрларидаги учрашуви мамлакатимиз коммунистларининг тарихий анжуманидан кейин ўтказилаётганлигини тўлқинланиб гапирдилар. Съезд делегатлари, миллионлаб совет кишилари Ўртоқ Л. И. Брежневнинг КПСС Марказий Комитети номидан қилган Ҳисобот докладини қалбларига жо қилиб олдилар.

Кейинги беш йил мобайнида совет ёзувчиларининг интернационал отряди бир қанча талантли асарлар яратди. Ана шу асарларда ижодкор ва бунёдкор инсон, ер юзида энг ажойиб неъмат — тинчлик учун курашчи инсон — совет киши инсон кенг ва ғоят зўр куч билан тараннум этилди. Ана шу йилларда Л. И. Брежневнинг «Кичик ер», «Тикланиш», «Қўриқ» китоблари адабиёт ва санъатнинг ҳамма турларига жуда катта таъсир ўтказди.

Сўз усталари олдида жуда катта вазифалар турибди. Уларнинг партия ва халқ олдидаги масъулияти буюкдир. Социалистик даврининг ютуқларнинг, замондошларимиз қаҳрамонона меҳнатининг бадиий йилномаси ҳозир яратилмоқда. XXVI съезд қарорлари билан қуролланган ёзувчилар ҳам, деб таъкидланди пленумда, коммунистик жамият барпо этаётган совет халқининг муваффақиятларини бадиий адабиёт воситалари билан пропаганда қилишни яна ҳам кўпроқ кучайтиришлари лозим.

Пленум ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари О. У. Салимов, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Р. Х. Абдуллаева қатнашдилар.

(ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми партия ва совет органларида кўп йил самарали ишлаганлиги учун ҳамда туғилган кунига эллик йил тўлиши муносабати билан Ўзбекистон ССР Халқ контроли комитети ташкилий бўлимининг инспектори ўртоқ Камол Зайниддинович **Зайниддинович** Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланди.

Партия турмуши: комсомолга раҳбарлик

ЁШЛАР—КЕЛАЖАГИМИЗ

Район партия комитети Ленин партиясининг жанговар ёрдамчиси ва резерви бўлган комсомол-ёшларни коммунистик руҳда тарбиялаш соҳасида қизғин ва самарали иш олиб бормоқда. Ёшларнинг ижтимоий-сиёсий ва меҳнат активлигини ўстиришда, уларни КПСС XXVI съезди белгилаган социал-иқтисодий ва маданий қурилиш вазифаларини муваффақиятли бажаришга сафарбар этишда партия ташкилотлари комсомолга таянмоқда, комсомол ташкилотларининг фойдали ташаббусларини кенг қўллаб-қувватламоқда, амалий ёрдам кўрсатиб келмоқда. Ёшлар тарбияси йигит ва қизларнинг маълумот, қизиқиш ва эҳтиёжларини, ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ташкил қилинмоқда.

Районимиз йигит ва қизлари ота-боболаримизнинг жанговар ва меҳнат шуҳрати анъаналарини муносиб давом эттириб, Ватан, партия, халқ ишига доимо содиқ эканликларини ўзларининг фидокорона меҳнатлари, ижтимоий-сиёсий активликлари билан намоён қилмоқдалар. Район комсомол комитети ташаббуси билан 7 та қурилиш, 3 та маиший хизмат, 2 та савдо, 7 та чорвачилик, 19 та маккажўхоричилик, 49 та пахтачилик комсомол-ёшлар бригадалари ташкил қилинган. Шу нарсани мамнуннят билан таъкидлаб ўтиш керакки, бу бригадалар якунловчи йил ва, умуман, ўнинчи беш йиллик планларини шараф билан бажардилар. Бу коллективларнинг 90 процентига комунистлар етакчилик қилмоқда.

Район партия ташкилотлари комсомолга партиявий раҳбарлик қилишнинг, ёш авлоднинг сиёсий ва меҳнат активлигини оширишга партиявий таъсир кўрсатишнинг форма ва методларини бойита бориб, комсомол ташкилотларида партиявий ўзакни мустаҳкамлашга жиддий эътибор бериб келмоқдалар. Комсомолда ишлаётган коммунистларнинг сифат состави муттасил яхшиланмоқда. Кейинги икки йил мобайнида раҳбар комсомол органларига сайланган КПСС аъзолари ва аъзоликка кандидатлар илгариги йилларга нисбатан анча кўпайди. Ҳозирда 57 ёш коммунист бошланғич комсомол ташкилотларига етакчилик қилмоқда. 45 ёш коммунист район комсомол комитетининг аъзоси сифатида ёшлар ўртасида сиёсий-тарбиявий иш олиб бормоқда.

Лекин гап, албатта, рақамлардагина эмас, балки комсомол ишига кимнинг тавсия қилинишидадир. Ёшларни ўзига эргаштириш, уларни партия қўйган вазифаларни бажаришга сафарбар этиш учун ёш коммунистнинг ўзи ҳамма ишда пешқадам, ташаббускор ва меҳнатсевар бўлиши лозим. Партия ташкилотлари комсомолда ишлаш учун тавсия қилинаётган ҳар бир ходимнинг номзодини таҳлил қилар эканлар, уларнинг ана шу сифатларига алоҳида синчковлик билан эътибор берадилар.

Комсомол ташкилотларининг кундалик ташкилий-тарбиявий иш фаолиятига партиявий раҳбарлик масалалари район партия комитетининг бюросида, актив йиғилишида, шунингдек, бошланғич партия ташкилотларида мунтазам муҳокама қилиб борилади, партия ташкилотлари комсомолда ишлаётган коммунистларнинг ҳисоботини муттасил тинглаб борадилар. Жумладан, биз 1980 йилда райком бюросида Крупская номли колхоз партия комитетининг колхоз комсомол комитетига раҳбарлигини атрофлича муҳокама қилдик. Шу асосда барча бошланғич партия ташкилотларига комсомолга партиявий раҳбарлик масалаларини янада яхшилашни, бу борадаги камчиликларни бартараф қилиш тадбирларини белгилаш ҳамда амалга оширишни топширдик.

Комсомолда ишлаётган коммунистларнинг комсомол ташкилотларидаги ишнинг аҳволи учун масъулиятини оширишга эришмоқдамиз. Уз бурчларини юксак партиявий масъулият билан бажараётган кўплаб комсомол етакчиларини кўрсатиб ўтиш мумкин. Комсомолда ишлаш ёш коммунист ёки КПСС аъзолигига кандидат учун муҳим партиявий топшириқ, комсомол ташкилотларидаги ишнинг аҳволи эса — унинг бу топшириқни қандай бажараётганини кўрсатувчи барометрдир. Ленин орденли М. Горький номли совхоз комсомол комитети секретари М. Умарова, Тельман номли колхоз комсомол комитети секретари Ф. Тўраев, Манғит пахта тозалаш заводи бошланғич комсомол ташкилоти секретари Г. Йўлдошева, Крупская номли мактаб комсомол комитети секретари Ю. Эримбетов ва бошқа кўплаб секретарларимиз ёшлар ҳурмат-эътиборини қозониб келмоқдалар.

Район комсомол ташкилотлари сўнгги йилларда кўпгина яхши ишларни ва ташаббусларни бошлаб берди. Ўтган йили Ленин орденли М. Горький номли совхоз комсомолларининг янгидан 30 минг тун тут кўчати ўтказиш, «Ленинизм» колхозидаги Макаренко номли мактаб битирувчи синф ўқувчиларининг колхозда қолиб ишлаш, Тельман номли колхознинг коммунист С. Йўлдошев бошчилик қилаётган комсомол-ёшлар пахтачилик бригадаси коллективининг КПСС XXVI съезди шарафига 60 центнердан ҳосил олиш учун кураш ташаббуслари шулар жумласидандир. Бу ташаббуслар ўз навбатида район партия комитети бюросида ҳам кўриб чиқилди ва кенг маъқулланди. Шуниси қувончлики, ташаббускорлар ўз сўзларининг устидан чиқдилар, кўпгина коллективлар бу ҳаракатга фаол қўшилиб, меҳнат кўрсаткичларини яхшиладилар.

Ёшлар орасида ўн биринчи беш йиллик план ва мажбуриятларини муддатидан олдин бажариш, КПСС XXVI съезди қарорларини амалга ошириш учун социалистик мусобақа кенг авж олдирилган. Кўчма механизациялашган колонна ишчиси Гулбаҳор Тўраева, пахта тозалаш заводи ишчиси Қувват Жумамуратов, М. Горький номли совхоз механизатори Шеримбат Самандаров, «Манғит» совхози бузоқбоқари Гулистон Мамутова, Охунбобоев номли колхоз аъзоси Холбика Ибрагимовалар ўзларининг шахсий беш йиллик топшириқларини муддатидан анча илгари бажариш учун мусобақада фаол қатнашмоқдалар.

Ёшларнинг сиёсий, иқтисодий таълимига алоҳида эътибор берилмоқда. Марксизм-ленинизм таълимотини йигит-қизлар ўртасида кенг тарғиб қилаётган 158 пропагандистдан 112 киши коммунистдир. Шунингдек, тарбиявий ишнинг ўзини тажрибада оқлаган формаларидан — ленинча сабоқлар, назарий конференциялар, учрашувлар, савол-жавоб кечалари, касб-маҳорат кўрикларининг ижобий таъсиридан кенг фойдаланмоқдамиз, партия ташкилотлари бу борада изланишни қизғин давом эттирмоқдалар.

Ишчи ва колхозчилар сафига тантанали қабул қилиш, мураббийлик ҳаракати, меҳнат ветеранлари ва новаторлари билан учрашувлар, голибларни моддий ва маънавий рағбатлантириш, голиблар шарафига байроқлар кўтариш анъана бўлиб қолди. Сўнгги пайтларда меҳнат династияларининг иш тажрибаларини пропаганда қилиш авж олдирилмоқда.

Район комсомол комитети кадрлар тайёрлаш ўчоғи бўлиб қолмоқда. Партия сафига қабул қилинаётганларнинг 70 процентдан зиёди комсомолда тарбияланган ёшлар эканлигини айтиш кифоя, Комсомолда самарали ишлаб, ўз етакчилик ва ташаббускорлик маҳоратини кўрсатган кўплаб кадрлар эндиликда масъул раҳбарлик лавозимларида муваффақиятли иш олиб бормоқдалар. Улар орасида район партия комитети аппарати масъул ходимлари, совет, хўжалик органлари раҳбарлари бор.

Албатта, комсомол ишида, комсомолга партиявий раҳбарликни ташкил қилишда камчиликлар ҳам йўқ эмас. Айрим комсомол ташкилотлари, айниқса кам сонли ташкилотлар ҳали ҳам ташаббус кўрсатмай, суст ишлаяпти. Баъзи комсомол комитетлари меҳнат интизоми, жамоат тартибини бузаётган ВЛКСМ аъзолари ўртасида олиб борилаётган ишларни талаб даражасига кўтаролмаётирлар. Баъзи бошланғич партия ташкилотлари комсомолга партиявий раҳбарлик, комсомол ташкилоти фаолиятини жонлантириш масаласида қарор қабул қиладилар-у, унинг бажарилишини суст ташкил этадилар.

Ёшлар билан ишлаш, уларга партиявий раҳбарликни тўғри ташкил қилишда расмиятчилик, сусткашликка ўрин бўлиши мумкин эмас. Чунки, ёшлар — бизнинг келажагимиз. Партия ташкилотлари, коммунистлар комсомолнинг барча ишида унинг энг яқин дўсти, маслаҳатчиси ва мураббийси бўлиб қолишлари, уларга муваффақиятли ишлаш учун барча шароитларни яратиб беришлари керак. Зотан, партия ёрдамчиси ва резерви бўлган комсомолнинг кучқудрат манбаи — унга партиявий раҳбарликдадир.

Х. САЪДУЛЛАЕВ,
Амударё район партия комитетининг иккинчи секретари.

ТЕЖАМКОРЛИКНИНГ ЖАМОАТ КЎРИГИ

КОММУНИСТИК БУРЧИМИЗ

«Ҳамма ерда, ҳар бир ишда тежамкорлик ва иқтисод режимига қатъий риоя қиламиз!» — Узбекистон Компартияси Марказий Комитети маъқуллаган Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети, Узбекистон ЛКСМ Марказий Комитети, республика Халқ контроли комитети, «Совет Узбекистони», «Правда Востока» газеталари редакцияларининг халқ назоратчиларига, «Комсомол прожектори» активларига, ишчи ва қишлоқ мухбирларига, республиканинг барча меҳнаткашларига иқтисод ва тежамкорликнинг жамоат кўригида қатнашиш ҳақидаги мурожаатига қўшилган бирлашмамиз коллективининг аҳди шундай.

Меҳнат унумдорлигини ошириш — ўн биринчи беш йилликда саноатчилар олдига қўйилган муҳим вазифалардан бири. Мақсадга эришиш учун, аввало, ишлаб чиқаришни замонавий техника ва илғор технология билан қайта қуроллантириш талаб қилинади. Биз, бу борада бир қатор ибратли ишларни амалга оширмоқдамиз. Цехларга 50 дан ортиқ замонавий ускуналар ўрнатилди. Янги техникани жорий этиш бўйича 35 та тадбир қўлланилди. Соатига 10 минг литр хом ашёга ишлов берадиган 2 та пастеризациялоачи-совитувчи ускуна янгиланди.

Бундай ташкилий-техникавий тадбирлар амалга оширилиши туфайли маҳсулот ҳажми бир ярим баравар ортди, йилига 65 минг сўм иқтисодий тежам олинадиган бўлди.

Сифат ва самарадорликни ошириш, тежамкорлик ва иқтисод режимини кучайтириш асосида иш тутганлигимиз учун ўнинчи беш йиллик мобайнида СССР Гўшт ва сут саноати министрлиги, тармоқ касаба союзлари Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғини беш марта олишга эришдик.

Назоратчиларнинг жамоат кўригини ўтказиш ҳақидаги мурожаатга амалий иш билан жавоб бераётган бирлашмамиз коллективи ҳаммз соҳада иқтисод ва тежамкорлик кўрсаткичларини бир ярим-икки баравар кўпайтиришга сўз берди. Зеро ҳамма ерда, ҳар бир ишда тежамкорлик ва иқтисод режимига қатъий риоя қилиш — бизнинг коммунистик бурчимиз!

Х. ШАРИПОВ,
Самарқанд сут саноати бирлашмаси бош директори, Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган саноат ходими.

ЖЎШҚИН МЕҲНАТ ҚЎЙНИДА

БОЛДИР — ОҚТОШ — ХЎЖАИКОН ТЕМИР ЙЎЛИ ШОХОБЧАСИ ҚУРИЛИШИДАН РЕПОРТАЖ

Сурхондарё областининг партия, совет ташкилотлари ва Шеробод райони меҳнаткашлари ажойиб ташаббус бошладилар. Улар Гагарин райони территориясидаги Болдир темир йўл станциясидан Шеробод районидаги Оқтош — Хўжаикон ош тузи конларининг битмас-туганмас хазиналаригача умумхалқ ҳашари усулида 32.8 километр темир йўл шохобчаси қурилишини жуда қисқа муддатларда тугаллаб, шу йил 1 ноябрда поездларнинг қатнашини таъминлашга қарор қилдилар.

...Баҳрида неча миллионлаб тонна аъло сифатли ош тузини яшириб ётган Хўжаиконга элтувчи темир йўл шохобчаси қурилишида меҳнат авжида. Бульдозерлар наъра тортиб тупроқ суради, грейдерлар тупроқни темир йўл изи ётқизиладиган масофаларга бир маромда ва текис ёйиб кетади, скреперлар эса темир из тўшаладиган йўлларди баланд-паст, ўнқир-чўнқирларни бамисоли кафтдек қилиб текислайди. Моторлар гувуллаши бирор дақиқа ҳам тинмайди. Қудратли экскаваторлар «хартуми»ни чўзиб «МАЗ» ва «КрАЗ»ларга тупроқ ортади.

Болдир-Оқтош - Хўжаикон темир йўл шохобчаси Кўҳитанг тизмалари этаги бўйлаб неча-неча қирлар оша илгарилайди. Баҳайбат ва салобатли чўққилар эса бамисоли қурувчилар ишига таҳсинлар айтаётгандек савлат тўкиб турибди... Биз, темир йўл қурилиши штабига етиб келганимизда ишлар қизиб кетганди. Шу куни штабда диспетчерлик қилаётган область маҳаллий саноат бошқармаси бошлиғи Хайрулла Мажидов ҳамма нарсадан хабардор.

— Бўлажак темир йўл шохобчаси изига ҳар икки томондан — Болдир станциясидан ва туз кони томонидан тупроқ тўшаш ишлари авж олдириб юборилди, — ҳикоя қилди у. — Янги қурилишда 200 дан ортиқ қудратли механизм — бульдозерлар, экскаваторлар, грейдерлар, скреперлар, шиббаловчи оғир дизеллар тинмисиз, икки сменада ишлаб турибди. Бу машина ва механизмлар областдаги 14 та йирик корхонага қарашли. Темир йўл изига тупроқ суриш кунлик топшириқлари 1,5—2 баравар адо этиляпти. Темир йўл шохобчаси ўтадиган Болдир станциясидан тортиб Абдулла Набиев номли совхоз ва Музрабод қишлоқлари ўртасида 8 километрли масофада ишлар ғоят жадалликдан кетди. Туз кони жойлашган «Коммунизм» совхозининг «1 Май» участкасидаги Оқтош қишлоғида ҳам ишлар қизғин давом этяпти.

Жуда кўп техника ва одам кучи жалб этилган темир йўл шохобчасидаги ишларга оператив раҳбарлик қилиш — қурилиш штаби аъзоларидан ишчанлик ва талабчанликни, кишиларга ғамхўрлик ва меҳрибонликни, ишда уйғунликни тақозо этади. Шунга қарамай штабда осойишталик ва тартиб-интизом ҳукмрон.

Янги қурилишда Шеробод районидаги «Шерабадсовхозводстрой» трести, Бойсун ва Шеробод йўл қурилиши ва ремонти бошқармалари, «Спецводмеханизация»нинг 4-механизациялашган кўчма колонналари коллективлари жонбозлик кўрсатиб меҳнат қиляптилар. Улар туз конидан бошланган 13 километр масофадаги темир йўл шохобчаси тўшаладиган ораликда ишлаяпти. Бу ерда ҳозиргача 310 минг кубометр тупроқ темир йўл ўтадиган изга сурилиб, қурувчилар буюртмачита объектни топширишга шошиляптилар.

Болдир станциясидан бошланадиган 10 километрли масофада ҳам меҳнат қайнаяпти. Қўриқ Гагарин райони даштларида ер текислайдиган ва кавлайдиган, тупроқ сурадиган ва ортадиган қудратли механизмларнинг гувуллаши ярим тунгача тинмайди. «Сурханирстрой» трести, 11-қишлоқ қурилиши трести механизаторлари, Ангор, Ленин йўли, Жарқўрғон районлари ва бошқа районлардан умумхалқ ҳашарига келган кишилар ажойиб меҳнат намуналарини намойиш этяптилар. Социалистик мусобақада «Сурхансовхозводстрой» ишлаб чиқариш-қурилиш бирлашмасининг ер ишлари 2-кўчма механизациялашган колоннаси скреперчилари И. Абдурахмонов, Е. Марлатов, В. Удовенко, экскаватор машинистлари Ҳ. Исоқов, В. Сажаев, В. Кривенколар карвонбошилик қиляптилар.

Муҳим қурилишни белгиланган муддатидан анча олдин фойдаланишга топшириш соҳасидаги ишлар ҳар икки томонда — туз кони зонасида ва Болдир станцияси томонда қизғин давом этяпти. Қолган 9 километрли ораликдаги ишлар ҳаракаб зона бўлганлиги сабабли бу ерда ҳадемай портлатувчилар ишга тушадилар.

Хўжаикон туз конидан шу пайтгача яқин атрофдаги аҳолигина фойдаланар ва область чорвачилигининг эҳтиёжлари қондиларди, холос. Эндиликда табиат инъом этган бу бойликдан саноат усулида фойдаланиш вақти келди. Бу ерда 1981 йилнинг ўзида 100 минг тонна туз қазиб олинади. Барча ишлар тўла-тўкис механизациялаштирилади. Туз кони зонасида ишчилар посёлкаси қуриш ҳам жадал давом этяпти. Ҳозиргача бу ерда 15 тага яқин уй-жой қурилди. Шиналр уй-жойлардан ташқари касалхона, болалар боғчаси, маъмурий-идора биноси, клуб, кутубхона, ошхона чойхона бинолари қурилиши бошланди.

Хўжаикон туз конининг истиқболи порлоқ. Бу битмас-туганмас хазина ўн биринчи беш йилликда республикамиздаги йирик саноат корхоналаридан бирига айланади.

А. ХАЛИЛОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ИЛҒОР КОЛЛЕКТИВЛАРДА

САНОАТ

ЗАРБДОР СУРЪАТ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Ўзбекистон ССР 50 йиллиги номли Наманган шойи газламалар комбинатининг ингирув цехи коллективи съездлар йили биринчи квартал топшириғини барвақт адо этди. Плондан ташқари 2 миллион сўмликдан зиёд газлама ишлаб чиқарилди. Эришилган ютуқларда М. Худойбердиев, А. Убайдуллаев ўртоқлар бошлиқ ингирувчилар бригадаларининг ҳиссаси катта бўлди. Меҳнат коллективларининг ҳар бири 1400—1600 килограммдан ип ингириб, корхонада пешқадамлик қилдилар.

Комбинатда съездлар йили зарбдор вахтаси давом этмоқда.

Т. СУЛАЙМОНОВ.

ҚУРИЛИШ

ЯНГИҚУРҒОН ЧИРОЙИ

Бувайда райони маркази — Янгиқўрғон чиройига чирой қўшилмоқда. Ўтган беш йилликда бу ерда чойхона, ошхона, ресторан, универсал магазин, гастроном сингари ўнлаб янги объектлар, кўплаб турар-жой ва маъмурий бинолар фойдаланишга топширилди. Район биноқорлари янги беш йилликнинг дастлабки йилини ҳам янги бунёдкорлик ишлари билан бошлашди. Яқиндагина пойдевори қўйилган Фарғона тўқимачилик комбинатининг филиали кун сайин қад ростламоқда. Корхона шу йилнинг иккинчи ярмида иш бошлайди.

Район марказида қурилаётган мактаб, поликлиника, район матлубот жамияти, суд, прокуратура органлари бинолари қурилишлари ҳам қизғин давом этмоқда.

А. ҚОДИРОВ.

МЕЛИОРАЦИЯ

СУВ ЙЎЛЛАРИ РАВОН

Самарқанд область, Большевик райони мелиораторлари беш йилликнинг дастлабки йилини зарбдор суръат билан бошлашди. Райондаги «Самарқанд», «ВЛКСМ 60 йиллиги» совхозларида сув йўлларини тартибга келтириш ишлари тугалланди. Куйбишев номли колхозда 10 километр узунликдаги канал бетонлаштирилди, реконструкция қилинди. Бу ерда секундига 500 ва 680 литр сув чиқариб бериш қувватига эга 2 насос станцияси қурилиши давом этмоқда. Станциялар келгусида 1200 гектардан зиёд экин майдонларини сувга сероб қилади.

З. РАВШАНОВ.

* * *

Шунингдек, сурхондарёлик Ҳ. Тошев, тошкентлик А. Эргашев, бухоролик И. Александров, фарғоналик С. Умрзоқов, самарқандлик М. Фармонов, О. Ғафуров, наманганлик Қ. Тўраев, А. Аҳмедов ва бошқа ўртоқлар ҳам газетамизга турли мавзуларда хат-хабарлар йўллашган.

ОЛИЙ ТАЪЛИМ

ҲАЁТ БИЛАН ҲАМНАФАС

Ўнинчи беш йиллик республикада ягона ҳисобланган Тошкент давлат маданият институтининг тўла шаклланиш ва камол топиш йиллари бўлди. Ўтган ўқув йилининг ўзида саккиз юздан ортиқ малакали мутахассис республика маданий-оқартув муассасаларига йўл олди. Беш йиллик мобайнида уч мингдан ортиқ кадр тайёрланди.

Яқинда ўз ишини тугатган партия XXVI съездига КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежневнинг қилган Ҳисобот докладида **«Тарбия ишини кучайтириб бориш керак. Бунда мен меҳнат тарбиясини ҳам, ахлоқий тарбияни ҳам, гоявий-сиёсий тарбияни ҳам назарда тутяпман... Комсомол маркса-ленинча назарияни шундай ўрганиши керакки, натижада у комсомолларнинг амалий ишлари билан, ҳаётлари билан узвий қўшилиб кетсин... Бизда тажриба бор, марксизм-ленинизмнинг тўғрилигига ўн йиллар мобайнида ишонч ҳосил қилганмиз. Ана шу бойликнинг ҳаммасини ёшларга бериш керак»,** дейилади.

Институтимизда студентларнинг марксизм-ленинизм таълимотини чуқур ўзлаштиришларига алоҳида аҳамият берилади. Шу боисдан маркса-ленинча фалсафа кафедраси кейинги йилларда философия, илмий коммунизм ва этика, эстетика ҳамда илмий атеизм кафедраларига бўлинди. Бу албатта ҳар бир фаннинг студентларга ниҳоятда пухта ўргатилиши ва ўзлаштирилишини таъмин этади.

Студентлар ўртасида сиёсий-тарбиявий ишларнинг яхши йўлга қўйилиши институт партия ташкилотининг ижтимоий кафедралар билан ҳамкорликда олиб бораётган ишлари натижасидир. Ижтимоий фан ўқитувчилари ёш лекторлар мактаби, ижтимоий касблар факультети ва интернационал дўстлик клуби ишларида студентларга раҳбарлик қилишади. Институт «Билим» жамияти бўлими томонидан КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съезди материалларини пропаганда қилиш борасида ишлаб чиқилган алоҳида программа асосида ҳар бир курсда съезд материаллари чуқур ва мазмунли лекция ҳамда семинар йўли билан ўрганилмоқда. Шунингдек, ётоқхона, оталиққа олинган клуб, кутубхоналарда ҳам лекция-суҳбатлар уюштириляпти.

Студентларнинг ғоявий-сиёсий тарбиясини кучайтириш мақсадида кафедралар қошидаги мавжуд тўгаракларда уларга илмий иш мавзулари белгилаб берилмоқда. Ўқитувчиларнинг студентлар билан мустаҳкам алоқада бўлишлари таъминланмоқда.

Тажрибали педагогларимиз ёшларни марксизм-ленинизм таълимотини пухта эгаллаган, ғоявий баркамол, замон талаби руҳида тарбиялашда барча имкониятлардан фойдаланадилар.

Ҳ. АБДУСАМАТОВ,
Тошкент давлат маданият институти ректори, филология фанлари доктори.



Тошкент тўқимачилик комбинатининг газламага гул босиш бўлими ходимлари мис валларга расм солиш ишларини амалга оширадилар. Кейинчалик бу гуллар газламада намоён бўлади. Бу ишларни амалга оширишда коммунистлардан Восит Маҳкамов билан Леонид Писчало жонбозлик кўрсатмоқдалар. Суратда: гул солувчилар иш устида.

И. Глауберзон фотоси.

«ВАҚТ ҒАНИМАТ, ОЛҒА»

16 март куни А. Навоий номидаги Узбекистон ССР Давлат академик катта театрида қўйиб берилган концерт биринчи беш йилликлар комсомолларининг «Вақт ғаниматт, олға» шиори остида ўтди. Олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг студентлари ва ўқувчилари ижросида совет халқининг улуғвор зафарларини, улкан, бунёдкорлик меҳнатини куйловчи асарлар янгради. Республика музика санъатининг бўлажак арбоблари ўз концертларини КПСС XXVI съезди ҳамда Узбекистон Компартиясининг XX съездига бағишладилар.

(ЎзТАГ).

БУЮК НАМУНА КУЧИ

Париж Коммунасининг 110 йиллигига

Бутун прогрессив инсоният ҳар йили 18 мартни Париж коммунарларининг ўлмас жасоратлари куни сифатида нишонлайди.

Париж Коммунаси ички ижтимоий қарама-қаршиликларнинг кучайиши, 60-йиллар охиридаги саноат революцияси тугалланиши, пролетариатнинг ҳар жиҳатдан ўсиб бориши жараёнида содир бўлди.

1871 йили Коммуна қаҳрамонларининг Ватани Франция оғир кунларни бошидан кечираётган эди. Халқ Германия билан урушда чарчаган ва қийналган эди. Ишсизлик ва очлик Франция маркази меҳнаткашларининг сабр косасини тўлдириб юборганди.

1871 йил 15 февралда буржуа республикачилари ва яширин монархистларнинг Тьер бошлиқ ҳукумати тузилган эди. Аммо бу ҳукуматнинг сиёсатида ҳеч қандай ижобий ўзгариш юз бермаганлигидан халқ оммаси ўзининг қонуний талабларини амалга ошириш учун қуроллана бошлади. Париж кўчаларига меҳнаткашларнинг жуда кўпчилиги чиқди. Миллий гвардия тузилиб, унга Марказий Комитет раҳбарлик қилди. 18 мартга ўтар кечаси Тьер халқни қуролсизлантириш ва миллий гвардия Марказий Комитет аъзоларини қамоққа олиш мақсадида ҳарбий қисмлар юборди, лекин солдатлар халққа қарши ўқ узишдан бош тортдилар. Миллий гвардия қисмлари қарши ҳужумга ўтиб, давлат идораларини қуршаб олди. Тьер ҳукумати Париж яқинидаги Версалга қочди. Катта шаҳар ишчилар қўлига ўтди. Шу тариқа, К. Маркс ибораси билан айганда, 18 мартда Париж коммунаси ғалаба қозонди.

1871 йил 18 мартда Париж ратушаси гумбазида пролетар революциясининг қизил байроғи кўтарилди. 18 март Париж революциясининг таъсири натижасида Франциянинг Лион, Марсель, Тулуза ва бошқа шаҳар ҳамда вилоятларида революцион коммуналар эълон қилинди.

26 март куни Париж коммунасига сайловлар ўтказилди, орадан икки кун ўтгач Коммуна тантанали эълон қилинди.

Халқ оммаси Коммунани зўр хурсандчилик билан қўллаб-қувватлади ва унга актив ёрдам берди. Тезда жуда кўп касаба союзлари, сиёсий клублар, хотин-қизлар ташкилотлари ва меҳнаткашларнинг бошқа оммавий ташкилотлари тузилди.

Париж Коммунаси деҳқончилар билан алоқа боғлашга ҳаракат қилди. «Париж ишчилари» деган имзо билан деҳқонларга қарата 100 минг нусха мурожаатнома босиб чиқарилди.

Лекин Коммуна ишчилар синфининг деҳқонлар билан иттифоқини ўрнатишга улгурмади. Ҳамма томондан душманлар қуршовида қолган, Франциянинг бошқа қисмидан кесиб қўйилган Коммуна Парижда яккаланиб қолди. Деҳқонлар ишчиларнинг кўзғолонини қувватламади.

Карл Маркс Париж Коммунаси билан узвий алоқада бўлди. У Париждаги Коммуна раҳбарларининг иқтисодий, сиёсий ва ҳарбий фаолиятлари хусусида муҳим маслаҳатлар бериб турди. Буюк доҳий коммунарларнинг 18 март кўзғолонидан кейин икки ҳафталик пассив позицияларини танқид қилди, уларни майда буржуа элементларининг таъсирига берилмасликка чақирди.

Париж Коммунаси бор-йўғи 72 кун яшади. Унинг маглубиятга учрашига қатор сабаблар бор эди. Париж Коммунаси ғалаба қозониши учун 1871 йилда Францияда шарт-шароит ҳали етилмаган эди. В. И. Ленин шу шарт-шароит ҳақида тўхтаб бундай деб ёзган эди: «Ғолибона социалистик революция учун, ҳеч бўлмаганда, икки шартнинг мавжуд бўлиши лозим: ишлаб чиқарувчи кучларнинг юксак тараққиёти ҳамда пролетариатнинг тайёрланганлиги. Бироқ 1871 йилда бу шароитларнинг ҳар иккиси ҳам йўқ эди. Француз капитализми ҳали кам тараққий қилган бўлиб, у маҳалда асосан майда буржуазия ҳунармандлар, деҳқонлар, бақоллар ва ҳоказолар) мамлакати эди. Иккинчи томондан, ишчилар партияси йўқ эди, ишчилар синфи тайёргарлик кўрмаган ва узоқ муддатли таълим олмаган эди, унинг кўпчилиги ҳатто ўзининг вазифалари нимадан иборатлигини ва уларни амалга ошириш усулларини ҳам унча яхши тушунмас эди. Пролетариатнинг жиддий сиёсий ташкилоти ҳам, кенг касаба союзлари ҳам, кооператив ширкатлари ҳам йўқ эди...».

Ишчилар синфи билан деҳқонлар иттифоқи йўқлиги Коммуна маглубиятининг асосий сабабларидан бири бўлди. Коммуна жуда оғир шароитда кураш олиб боришга мажбур бўлди, чунки ҳокимият версалчилар ва немис қўшинлари зич ўраб олган пойтахт доирасида чекланиб қолган эди.

Париж Коммунаси жуда катта тарихий ва халқаро аҳамиятга эга бўлди. Унинг тажрибаси К. Маркс, Ф. Энгельс ва В. И. Ленин асарларида чуқур анализ қилиниб, илмий коммунизм назарияси, ишчилар синфининг озодлик курашини ривожлантиришда ҳамда кейинчалик Улуғ Октябрь социалистик революциясини тайёрлашда ва амалга оширишда жуда катта аҳамият касб этди.

К. Маркс Коммунанинг тажрибасига асосланиб, пролетариат ўзининг оммавий, яхши уюшган ва интизомли сиёсий партиясига эга бўлмай туриб, ғалаба қилолмайди, деган қатъий хулосага келди.

Париж Коммунасининг буюк тарихий аҳамияти яна шундаки, у тарихда пролетар революциясининг биринчи тажрибаси бўлди, социализмнинг ғалаба қозониши учун пролетариат диктатураси ҳамда ишчилар билан деҳқонлар иттифоқи зарурлигини исбот қилди. Коммуна эски давлат аппаратини емириб ташлаб, янги давлат аппаратини барпо қилиш зарурлигини амалда кўрсатди. У яратган янги пролетар демократияси буржуа демократиясига нисбатан олий формадаги демократия бўлди. Коммуна Совет ҳокимиятидан олдинроқ майдонга келган ҳокимият формасидир.

Париж Коммунасининг тарихи пролетариатнинг фақат революцион марксистик партия раҳбарлиги остидагина ўз душманлари устидан ғалаба қозониши мумкинлигини очиқ-ойдин кўрсатиб берди.

Россияда большевиклар партияси Улуғ Октябрь социалистик революциясининг ғалабаси учун курашда Париж Коммунаси сабоқларидан фойдаландилар. Шу жиҳатга кўра Париж Коммунаси куни биринчи пролетар революцияси кунидир. «Коммуна иши, — деган эди В. И. Ленин, — социал революция ишидир, меҳнаткашларни сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан батамом озод қилиш ишидир, бу бутун жаҳон пролетариатининг ишидир. Ана шу маънода ҳам бу иш ўлмайди».

М. МИРПЎЛАТОВ,
К. УМАРОВ,
тарих фанлари кандидатлари.

ГАЗЕТХОНЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

МАРҒИЛОН. («Совет Ўзбекистони» мухбиридан). Кеча Марғилон «Атлас» ишлаб чиқариш бирлашмаси клубида «Совет Ўзбекистони» газетхонлари билан учрашув бўлиб ўтди. Уни шаҳар партия комитетининг секретари Ш. Зокирова очди. «Совет Ўзбекистони» газетаси редакторининг ўринбосари Б. Юсупов газета ижодий коллективи олиб бораётган ишлар, КПСС XXVI съезди, Ўзбекистон Компартиясининг XX съезди материалларини пропаганда қилиш борасидаги янги режалар тўғрисида ахборот берди.

Сўзга чиққан кўпгина газетхонлар газета саҳифаларида берилаётган материаллардан катта қониқиш ҳосил қилаётганликлари, улар чуқур партиявий руҳда ва юксак савиядаэканлиги ҳақида гапирдилар. Шу билан бирга улар ўз таклиф ва мулоҳазаларини ҳам ўртага ташладилар. Чунончи «Атлас» бирлашмаси тўқувчиси, КПСС XXVI съезди делегати М. Қорабоев ишчилар синфи ҳақида, уларнинг орзу-интилишлари, фидокорона меҳнатлари тўғрисида кўпроқ ва мунтазам материаллар бериб борилса мақсадга мувофиқ бўларди, деди. Шаҳардаги йирик корхоналардан бири — ипак комбинати партия комитетининг секретари М. Мақсудов газета саҳифаларида ишлаб чиқариш ва фан мавзуида кўпроқ материаллар ўқиш истагини билдирди.

Шаҳар халқ маорифи бўлими методисти Б. Орипов, шифокор М. Тошбоев, «Марғилон атласи» кўп тиражли газетаси редактори Т. Фозилов ўртоқлар ҳам сўзга чиқиб, ўз таклиф ва мулоҳазаларини билдирдилар.

КПСС XXVI СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИ САТРЛАРИДА

ЕТТИНЧИ ДОВОН

«Пахта етиштириш ҳар йили ўрта ҳисобда 9,2—9,3 миллион тоннага етказилсин, толанинг сифати яхшилансин. Пахтанинг анча қимматли ингичка толали навлари кўпайтирилсин, ўрта толали пахта навининг юксак технологик хусусиятларига эга бўлиши такомиллаштирилсин».

(«СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981-1985 йилларга ва 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган асосий йўналишлари»дан).

Ўзбекистон деҳқонлари партия XXVI съезди ўтказилган йилни янги меҳнат муваффақиятлари билан нишонлашга аҳд қилишган. 2,5 миллион тонна дон етиштириб, ўриб-йиғиб олиш, сабзавот етиштиришни 1.300 минг тоннага, полиз экиндари маҳсулоти етиштиришни 565 минг тоннага етказиш мўлжалланмоқда. Энг муҳими — камида 5 миллион 900 минг тонна пахта етиштиришга аҳд қилинган.

Ўтган йил Ўзбекистон пахтачилиги тарихига ёрқин, унутилмас саҳифа битилган йил бўлиб қолади. Серқуёш диёр меҳнаткашлари мамлакатга 6.237 минг тонна ғоят қимматли хом ашё етказиб бердилар. Уларнинг муваффақияти халқ жасоратининг олтин чўққиси деб ҳақли равишда тан олинди.

Ўтган йилгина эмас, балки бутун ўнинчи беш йиллик муваффақиятлар билан нишонланди. Шу йиллар мобайнида республика тўқкизинчи беш йилликдагига нисбатан 4 миллион тонна кўп — 28,5 миллион тонна пахта етиштирди.

Ўзбекистон деҳқонлари бу чўққига қандай етиб келганларини кўздан кечириш мароқлидир. 1 миллион тонналик довонни улар 1935 йилда эгаллашган эди. Иккинчи миллион тонналик довон орадан 15 йил ўтгандан кейин, 1950 йилда забт этилди. Навбатдаги миллионинчи довонлар йўли қисқа бўлди. Деҳқонлар 3 миллион тонналик довонни 1959 йилда, тўртинчи миллион тонналик довонни 1970 йилда, беш миллион тонналик довонни 1974 йилда эгаллашди.

Пахтачиликни муттасил ривожланувчи тармоққа айлантиришда нималар ёрдам берди? Аввало ерларни мелиорациялаш ишлари юксак суръатларда олиб борилди. Республикада ҳар йили янги канал ё сув омбори, насос станциялари ё коллектор ишга туширилмоқда. Ҳозир Андижон сув омбори қурилиши ниҳоясига етказилмоқда. Толимаржон, Хисорак ва бошқа сунъий денгизлар барпо этилмоқда. Суғориб келинаётган ерлар кенг миқёсда комплекс қайта текисланмоқда.

Илгари саҳро ястаниб ётган жойларгача пахтазорлар кириб борди. Мирзачўлни ўзлаштириш ниҳоясига етди. Қарши ва Жиззах чўлларини жиловлаш ишлари олиб борилмоқда. Қорақалпоғистонда, Сурхон-Шеробод водийсидаги катта массивларда янги ерлар ўзлаштирилмоқда. Беш йиллик мобайнида қарийб 500 минг гектар қўриқ ер бағрида экинлар етиштириладиган бўлди.

Аммо пахтанинг ялпи ҳосилини кўпайтиришнинг бош йўли — тармоқни интенсивлаштиришдир. Бухоро областини мисол қилиб олайлик. Кейинги пайтларда Ўзбекистоннинг барча пахтакорлари тилидан бу область тушмай қолди. Ўтган йили областда ҳар гектардан 37 центнердан зиёд ҳосил йиғиштириб олинди. Ҳолбуки шундан беш йил илгари ҳосил 24 центнердан ошиб-ошмасди. Ҳосилдорлик бошқа областларда ҳам кўпайди. Умуман республикада эса 33 центнердан ошиб кетди. Ҳолбуки бундан ниҳояти 10-15 йил муқаддам бундай натижаларни пахтакорлар фақат орзу қила оларди.

Эндиликда уларнинг орзулари бошқача миқёсларда рўёбга чиқмоқда. Ҳар бир хўжалик коллективи илғорларга тенглашишга интилмоқда. Ахир кўпчилик колхозлар, совхозлар, бутун-бутун районлар ҳозир ҳар гектар ердан 45—50 центнердан ҳосил кўтармоқда. Хоразм областида ўртача ҳосилдорлик 40 центнердан ошиб кетди.

Тармоқнинг юксалганлигини деҳқонлар колхоз ва совхозларнинг техника билан таъминланиши ортганлиги, дала ишларини механизациялаш даражаси ўсганлиги билан ҳам изоҳлашмоқда. Ер ҳайдаш, чигит экиш, ғўзага ишлов бериш ишлари аллақачонлар машиналар зиммасига юклатилган. Пахта йиғим-теримида ҳам техникадан тобора кенг фойдаланилмоқда. Олтмишинчи йилларда машина теримининг ҳиссаси 3—4 процентдан ошмаган бўлса, ҳозир 60 процентдан кўпроқдир.

Машина сермеҳнат иш жараёнини ўз зиммасига олиб, йиғим-терим мавсумини қисқартиришга ҳам жуда қўл келмоқда. Чунончи ўтган йили Тошкент области пахтакорлари социалистик мажбуриятларини бажариши учун атиги уч ҳафта кифоя қилди. Область механизаторлари машинанинг кунлик иш унумини саккиз тоннага етказдилар. Сирдарё районидаги Оқ олтин ва Жиззах областининг Дўстлик районларида терилган ҳар ўн тонна пахтанинг тўққиз тоннаси машиналар ҳиссасига тўғри келди. Эндиликда Мирзачўл, Жиззах ва Қарши даштларида етиштирилган ҳосилнинг 80 процентдан кўпроғи машиналарда йиғиштириб олинмоқда.

Мўл ҳосил олиш учун курашда химия пахтакорларга ишончли қамкор бўлмоқда. Ҳар йили республика пахтазорларига қарийб тўрт миллион тонна ўғит етказиб берилмоқда.

Аммо муваффақиятнинг асосий гарови — деҳқонларнинг ижодий меҳнатидадир. Уларнинг олтин қўллари билан «оқ олтин» яратилмоқда. Ўтган йили кузда биз республиканинг кўпгина хўжаликларида бўлганимизда ҳамма ерда кишиларнинг бениҳоя шавқ-завқ билан ишлаётганликлари гувоҳи бўлган эдик. Масалан Сурхон водийсининг Қумқўрғон районидаги «Қизил Октябрь» колхозининг Ҳасан Мухторов бошлиқ бригадаси юксак социалистик мажбуриятни ҳам, йиллик топшириқни ҳам барвақт бажариб қўйган эди. Колхозчилар шунга қарамай тонгдан қош қорайгунча даладан чиқишмасди. Замин уларнинг меҳнатини саҳоват билан тақдирлади. Бригада коллективи ҳар гектар ердан тайёрлов пунктларига 60 центнердан зиёд ғоят қимматли, ингичка толали пахта етказиб берди.

Ўн биринчи беш йилликда Ўзбекистон деҳқонлари янги довонни эгаллашлари керак. Партия XXVI съезди қарорларида белгиланганидек, ўлар қарийб 30 миллион тонна пахта етказиб беришлари керак. Пахтанинг ингичка толали навларини етиштиришга катта эътибор бериш лозим. Эндиликда бу нав пахта фақат Сурхондарё, Қашқадарё ва Бухоро областларида эмас, балки Фарғона водийсининг бошқа баъзи хўжаликларида ҳам етиштирилмоқда. Ўтган йили мамлакат тўқимачилари Ўзбекистон деҳқонларидан 358 минг тонна ғоят қимматли хом ашё олдилар. Шу вақтгача бунча миқдорда ингичка толали пахта сира етиштирилмаган эди. Пахтакорлар эса яна янги марраларни кўзлаб туришибди. Беш йилликнинг охирига бориб республика мамлакатга 500 минг тонна ингичка толали пахта етказиб берадиган бўлади. Бу ўринда аввало Қарши чўли пахтакорлари намуна кўрсатишлари керак бўлади. Ҳозир бу ерда янги ерларни ўзлаштириш кенг миқёсларда олиб борилмоқда. Бухоро деҳқонлари қўшадиган ҳисса ҳам салмоқли бўлади.

Асосий йўналишларда белгилаб берилган республика пахтакорларининг ўн биринчи беш йилликдаги вазифалари мураккаб. Бу вазифаларни ҳал этиш учун катта куч-ғайрат сарфлаш, ер, сув, меҳнат ва моддий-техника ресурсларидан моҳирона фойдаланиш, тармоқни бошқаришнинг бутун системасини янада такомиллаштириш лозим.

Пахтачилик қай тариқа ривожлантирилиши лозим: энига қарабми, ёки бўйига? Энига қараб деганимиз — ҳом ашё етиштиришни янги ерлар ўзлаштириш ҳисобига кўпайтириш маъносини билдиради. Бўйига қараб деганимиз — ҳар бир гектар суғориладиган ернинг ҳосилдорлигини ошириш, унинг ҳосилдорлигини кўпайтириш маъносини билдиради.

Республика мелиораторлари бу беш йилликда қарийб ярим миллион гектар қўриқ ерни ўзлаштиришлари лозим. Шунга қарамай, мутахассислар пахта етиштиришни кўпайтиришнинг асосий резерви — далалар ҳосилдорлигини янада оширишдан иборат, деб ҳисоблямоқдалар. Бинобарин, бу резервдан ҳали тўла фойдаланиб бўлмаганича йўқ. Ахир ҳозир 300 дан зиёд колхоз ва совхоз республиканинг ўртача кўрсаткичидан кам ҳосил олмоқда. Айниқса, янги ерларда бундай хўжаликлар кўп. Бу хўжаликларнинг коллективлари қўриқ ернинг ўзига хос шароитларини рўкач қилиб, ҳар гектар ердан 20 центнердан ошириб-ошмай ҳосил кўтармоқдалар. Илғорлар икки-уч ҳисса ортиқ ҳосил олаётган бир пайтда бунга тоқат қилиб бўладими?

Бу ўринда олимлар пахтакорларга ёрдам беришлари лозим. Масалан, ҳар бир ғўза тупида қўшимча равишда бир-иккита кўсакни сақлаб қолишга имкон берадиган ғўза парвариши усулини такомиллаштирган тақдирда экин майдонларини ҳеч бир кенгайтирмасдан, унчалик меҳнат ва моддий-техника харажатлари қилмасдан туриб 1 миллион тонна қўшимча ҳосил олиш мумкин.

Пахта-беда алмашлаб экишни ўзлаштирган хўжаликлар пахта етиштиришни кескин кўпайтирмоқдаларки, буни Самарқанд области мисолида яққол кўриш мумкин. Бошқа баъзи областлардаги каби бу ерда ҳам экин майдонларини кенгайтириш учун бўш ерлар йўқ. Лекин шунга қарамай, ўтган йили область пахта етиштиришни 70 минг тоннадан кўпроқ оширди. Ҳосилдорлик 31,4 центнердан 35,6 центнерга кўтарилди. Деҳқонлар илмий асосланган алмашлаб экишни жорий қилмасдан туриб бундай натижага эришишлари амримаҳол эди. Республиканинг бошқа областларида ҳам деҳқончилик маданиятини оширишга катта эътибор берилмоқда. Аммо Амударёнинг қуйи этаклари, Фарғона водийсининг бир қатор хўжаликларида ҳалигача ниҳояти ўн процент майдондагина чигит бедa ва бошқа экинлардан бўшаган ерларга экилмоқда. Барча хўжаликларда тўғри алмашлаб экишни жорий этиш ҳамон пахтакорларнинг энг муҳим вазифаси бўлиб қолмоқда.

Кейинги йилларда пахтачиликнинг техника билан таъминланиши анча ўсганига қарамай, ҳал этилмаётган муаммолар ҳали оз эмас. Мана, шулардан бири. Ҳозирги пайтда колхоз ва совхозларнинг ҳайдов ва транспорт тракторларига, трактор прицеплари ва культиваторларга бўлган эҳтиёжи атиги 60—65 процент қондирилмоқда. Йиғим-терим техникаси етишмаяпти. Машинасозлик заводлари трактор ва пахта териш агрегатлари ишлаб чиқариш даражасинигина эмас, балки чигит экишгача далаларни текислайдиган, ғўза поясини майдалайдиган механизмлар ишлаб чиқаришни ҳам кўпайтиришлари керак. Устига устак, машинасозлик заводлари ишлаб чиқараётган маҳсулотга эътирозлар кўп айтилмоқда. Контрол-синаш маълумотлари шуни кўрсатмоқдаки, одатда жиддий камчиликлари натижасида машиналарнинг учдан иккисини ҳисми паст баҳо олмоқда.

Пахта териш машиналари ҳақида алоҳида фикр юритмоқчимиз. «Ташсельмаш» заводи бир неча маркада машиналар ишлаб чиқармоқда. Тор ва кенг қаторлар орасида ишлайдиган, ўрта толали ва ингичка толали пахта навларини терадиган, яруслар бўйлаб терадиган машиналар ишлаб чиқарилмоқда. Юзаки қараганда, шундай бўлиши лозимдек туюлади. Аммо кўп хилликлик пахтакорларни қониқтирмайди. Улар турли шарт-шароитларда ишлатишга мослаштирса бўладиган универсал машиналарни кутишмоқда. Турли маркадаги пахта териш агрегатларининг афзалликларини бирлаштирса бўлади деб ўйлаймиз. Лекин «Союзмашхлопководство» Бутунитти-фоқ ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳамда пахтачилик учун машиналар ишлаб чиқариш бўйича Давлат махсус конструкторлик бюроси бу ишда нима учундир сусткашлик қилаётганликлари бизга қоронги.

Универсал пахта териш машинасининг тоза, сира ҳам нобудгарчиликка йўл қўймай теришга мослаштириш зарур. Деҳқонлар: агрегатлар кетидан одамлар юриб машина тўкиб кетган пахтани этакка териб юриш номақбул иш деб ҳисоблямоқдалар. Ҳосил йиғим-теримдаги бу муаммо, чамаси, энг ўткир проблемадир. Шу боисдан машиналар қатор ораларида тупроқда кўп ҳосилни қолдириб кетмоқдаки, натижада хўжалик бу пахтани териб олишга шаҳарликларни жалб қилишга мажбур бўлмоқда, оқибатда эса ҳосил йиғим-теримига сарф-харажатлар ортиб кетмоқда. Ҳолбуки, пахтани машиналарда териб олиш ҳажмининг ортиши сарф-харажатларни камайтириши керак. Пахтанинг таннархи ошиб кетаётганлигининг боиси ҳам худди мана шундадир.

Ушбу муаммоларнинг ҳал этилиши пахтакорларга янги довонни тезроқ эгаллаш — ҳар йили етти миллион тонна пахта етиштиришга эришишда кўмаклашиши шубҳасиздир.

Н. ГЛАДКОВ,
Н. МУҚИМОВ.
(«Правда» мухбирлари).
Ўзбекистон ССР.
(«Правда» 17 март).

ПЛАНЕТАМИЗДА

СОЦИАЛИЗМ МАМЛАКАТЛАРИДА

МАЖБУРИЯТЛАР МУВАФФАҚИЯТЛИ БАЖАРИЛДИ

Монголия касаба союзларининг марказий кенгашида МХР халқ хўжалиги коллективларининг КПСС XXVI съезди шарафига ўтказилган социалистик мусобақаси якунлари чиқарилди. Зарбдор вахтада турган меҳнаткашларнинг рапортлари улар зиммаларига олган оширилган мажбуриятлар муваффақиятли равишда бажарилганлигидан далолат беради.

Монгол — совет ҳамкорлигидаги «Эрдэнэт» кон бойитиш комбинатининг, пойтахтдаги кўн ва тикув корхоналари ишлаб чиқариш бирлашмалари ва Улан-Баатор темир йўлининг меҳнаткашлари социалистик мусобақада олдинги сафда бормоқдалар.

Матбуотнинг хабар беришича, «Эрдэнэт» комбинатининг интернационал коллективи ўтган йилги план топшириқларини белгиланган муддатидан 25 кун илгари бажарди. Комбинат КПСС XXVI съезди очилган кунда тежалган энергия ва ёқилғи ҳисобига ишлади.

БЎЛАЖАК СЪЕЗД ШАРАФИГА

ГДРдаги етакчи комбинатлардан бири бўлган «Роботрон» коллективи ГБСПнинг бўлажак X съезди шарафига ўз зиммасига оширилган социалистик мажбуриятлар қабул қилди. Республика коммунистларининг ана шу энг йирик ан жумани иш бошлашига қадар комбинат меҳнаткашлари совет буюртмачиларига 30 та энг янги электрон-ҳисоблаш машинасини етказиб беради.

Маҳсулот ишлаб чиқаришнинг доимо кўпайтирилиши, унинг сифати оширилиши — «Роботрон» комбинати 70 минг ишчи ва хизматчиси ишининг энг характерли хусусиятидир. Улар ўтган ўн йил мобайнида электрон-ҳисоблаш техникаси ишлаб чиқаришни қарийб уч баравар кўпайтирдилар.

ДЕҲҚОНЛАР УЧУН САНАТОРИЙЛАР

Румниянинг Сэрата Монтероу деб аталган хушманзара тоғли жойида янги санаторий комплекси ишга тушди. Қишлоқ хўжалик кооперативларининг маблағи ҳисобига қурилган бу санаторийда ҳар йили дала меҳнатчиларидан 3.600 дан кўпроқ киши дам олиши мумкин.

Қишлоқ хўжалик кооперативлари фондидан ажратилаётган маблағлар ҳисобига кейинги йилда Руминиянинг бир қанча курорт зоналарида деҳқонлар ва қишлоқ механизаторлари учун махсус қурилган санаторийлар пайдо бўлди.

(ТАСС).

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

ПРАГА. Каргиндаги Биринчи Май номли янги кўмир қазиш комплексини барпо этишда қатнашаётган қурувчилар ва проходкачилар Улуғ Октябрнинг 64 йиллиги юбилейигача йиллик топшириқни бажариш мажбуриятини олдилар. Комплекс тўртта янги шахта ва кўмир разрезидан иборат. Келгуси беш йиллик охирига бориб бутун шимолий Чехия ҳавзасида кўмирнинг бешдан бир қисми шу ерда қазиб олинади.

АФИНА. Грециядa жамоатчиликнинг Греция территориясида АҚШ базаларини жойлаштиришга қарши ҳаракати кенгаймоқда. Кейинги вактда бўлиб ўтган митинг ва намойишларда мамлакатнинг тинчликсевар кучлари ҳарбий вассасани авж олдириш, АҚШ ва НАТОнинг авантюристик агрессив планларини амалга оширишга қарши Грециядаги чет эл ҳарбий базаларидан фойдаланаётганлигини кескин қоралядилар. Чет эл ҳарбий базаларини тугатиш учун курашувчи Умумгреция комитети мамлакат ҳукуматига ва сиёсий партияларга мурожаат қилиб, Афинада ҳарбий базалар тўғрисида олиб борилаётган музокаралар тўхтатилишини, Грециядаги Америка ва НАТО ҳарбий объектлари бутунлай тугатилишини талаб қилдилар.

ДЕҲЛИ. Ҳиндистоннинг «Блитц» ҳафталигининг хабар беришича, президент Зиёул Ҳақ Покистонда ядро қурилмаси синовини тезлаштириш тўғрисида ва уни ноябрь ойида эмас, балки шу йилнинг май ойида портлатиш тўғрисида фармойиш берди.

Бу эса Жануби-Ғарбий Осиё районида кескинликни янада кучайтиришга олиб келади. Кескинликнинг бундай кучайтирилишидан ҳаммадан кўра АҚШ билан ХХР манфаатдордир, деб таъкидлайди ҳафталик.

ДОРУС-САЛОМ. Шарқий ва Марказий Африкадаги олтита давлат вакилларининг бу ерда ўз ишини тамомлаган кенгашида регионал иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш проблемалари муҳокама қилинди. Кенгашда Танзания, Уганда, Бурунди, Руанда президентлари, Кения вице-президенти ва Заир бош министри иштирок этдилар.

Учрашув қатнашчилари транспорт ва коммуникация соҳасидаги, жумладан, денгиз йўли бўлмаган қўшни давлатларнинг Танзания ва Кения портларидан фойдаланиш соҳасидаги ҳамкорлик масалаларига алоҳида эътибор беришди.

ТОКИО. Атроф муҳитни муҳофаза қилиш миллий федерацияси, Япония истеъмолчилари уюшмаси ва бошқа бир қанча жамоат ташкилотларининг вакиллари денгиз сувларининг булғанишига қарши норозилик митинги ўтказдилар. Митинг қатнашчилари мамлакат ҳукуматини табиий ресурслардан янада оқилона фойдаланишга, табиий муҳитни ҳимоя қилиш ва уни тиклашга оид тадбирларни қўллаб-қувватлашга чақирдилар.

(ТАСС).

ХАЛҚАРО ЛЕЙПЦИГ ЯРМАРКАСИДА

ТАСС мухбири Лейпцигдан хабар қилади: Социалистик иқтисодий интеграция амалда — бу ерда очилган халқаро баҳорги ярмаркада қатнашаётган Совет Иттифоқи ва Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган бошқа мамлакатлар экспозицияларининг асосий мазмунидир. Лейпцигда халқ хўжалигининг 20 дан зиёд тармоғи маҳсулотларининг намуналари намойиш қилинаётган бўлиб, улар ишлаб чиқаришни узоқ муддатли ва планли равишда ихтисослаш ҳамда кооперациялаш натижасидир.

СССР павильонидаги экспозицияда совет мутахассислари қардош мамлакатлардаги ҳамкасблари билан мустаҳкам ҳамкорликда яратган буюмлар муҳим ўринни олган. СССР, ГДР ва Болгария олимлари ишлаб чиққан ва иҳотали газ муҳитида пайвандлаш учун мўлжалланган «Интермигмаг» ярим автомати, Польшада ишлаб чиқарилган электромагнит қурилмалар билан жиҳозланган металлсозлик станоклари, совет электрон ҳисоб машиналари шулар жумласидандир.

ГБСП Марказий Комитетининг Бош секретари, ГДР Давлат Кенгашининг Раиси Э. Хонеккер СССР павильонини кўздан кечириш вақтида совет экспозициясига юксак баҳо берди. СССР билан ГДР ўртасида ишлаб чиқаришни ихтисослаш ва кооперациялашнинг 1990 йилгача мўлжалланган программаси, деб таъкидлади у, республиканинг ташқи иқтисодий алоқаларини бундан буён ҳам муттасил ривожлантиришнинг ишончли негизидир.

ЯПОНИЯ. Мамлакатдаги хотин-қизлар ташкилотларининг жуда кўплаб аъзолари тинчлик тарафдорлари сафига қўшилмоқдалар. Суратда: Токиодаги намойиш пайти. Хотин-қизлар «Бизга қурол-яроғлар керак эмас», «Тинч ҳаётимизни ҳимоя қиламиз» деган шиорларни кўтариб чиқишган.

ТАСС фотохроникаси.

ХАТАРЛИ АВАНТЮРАЛАР

Кампучия халқининг мамлакатни тиклаш, революцион ҳокимиятни мустаҳкамлаш соҳасида эришган муваффақиятлари Пекиндаги экспансиячиларни ва халқаро реакциянинг бошқа кучларини саросимага солиб қўймоқда. Улар Кампучия Халқ Республикасига қарши янги хатарли авантюралар йўлига ўтмоқдалар, дейилади Кампучия ахборот агентлиги СПКнинг шарҳларида.

Шунинг учун ҳам, деб таъкидлаб ўтади агентлик, Хитой реакциячилари Америка империалистлари билан тил бириктириб, Кампучияга қарши «бирлашган фронт»ни тузишга уринмоқдалар. Пекин ҳукмдорлари полпотчилар раҳбарларидан бири Кхиеу Самфанни, шунингдек босмачилар гуруҳининг бошлиғи Сон Санни янги контрреволюцион блокка киритмоқчи бўладилар. Янчиб ташланмаган полпотчилар каби ана шу босқинчилар шайкасининг аъзолари одамларни ўлдириш ва талаш ёрдами билан халқ Кампучиясидаги вазиятнинг барқарорлаштирилишига ҳалақит бериш учун уринмоқдалар.

Пекин Кампучиянинг собиқ ҳукмдори Нородом Сианукни уч миллион кампучиялиқни қириб ташлашда айб дор бўлган қонхўр жаллодлар ва реакционерларнинг ана шу уюшмасига раҳбар қилиб қўймоқчи. Нородом Сианук КХДРда истиқомат қилиб Кампучияга ва Вьетнамга қарши гапларни сурункасига такрорламоқда.

Пекин реакционерлари ҳозирги контрреволюцион фитна учун Таиланд ва Ҳонконгдан бир майдон сифатида фойдаланиб Корея Халқ-Демократик Республикасининг позицияларига катта зарар етказмоқдалар, деб таъкидлайди агентлик.

Бундай найранглар қаерда ишлатиб кўрилмасин, халқаро жамоатчиликни чалғита олмайди.

(ТАСС).

Пномпень.

ЯДРО ҲАЛОКАТИГА ЙЎЛ ҚЎЙИЛМАСИН

Кўп мамлакатларнинг олимлари ядро фалокатининг олдини олиш ҳаётий зарурат эканлигини англаб, халқаро жамоатчиликни ядро уруши хавфидан халқларни ҳалос қилиш, қуролланиш пойгасини жиловлаб қўйиш, тинчликни сақлаш учун куч-ғайратларини бирлаштиришга чақирмоқдалар. Шу муносабат билан КПСС XXVI съездида илгари сурилган ва тинчлик мақсадларини кўзда тутган янги совет таклифлари олимлар ўртасида катта қизиқиш туғдирди.

Совет раҳбари Л. И. Брежнев тинчлик борасида илгари сурган янги таклифлар, деди Американинг таниқли олими, Брижпорт университетининг профессори **Г. П. Арсонс**, тинчликни мустаҳкамлайди. Америка маъмурияти қуролланиш пойгасини зўр бериб кучайтиришга киришган, вақшиёна нейтрон қуролини Ғарбий Европа территориясида жойлаштириш, ялпи қирғин қуролининг ажал уруғини янада кўпроқ сочадиган янги турларини вужудга келтириш ва ҳозирги вақтда стратегик қуроллар соҳасида СССР билан тахминан бир хил мувозанатни ўз фойдасига ўзгартириш учун уринишнияятлари борлиги эътиборга олинган бир вақтда Совет Иттифоқи шундай таклифларни илгари сурганлиги диққатга сазовордир. Олим ана шу режалар хатарли эканлигини таъкидлаб, АҚШ ҳукумати қуролланиш пойгаси ўрнига совет таклифларига ижобий жавоб бериши керак, деб уқтириб ўтади. Чунки, дейди олим, бу таклифларда тинчликни мустаҳкамлаш йўли кўрсатиб берилган. Бу эса АҚШнинг миллий хавфсизлик манфаатларига ҳам, Америка халқининг манфаатларига ҳам мос бўлиб тушади.

Кембриж университетининг профессори **Р. Хайнд** (Англия) «Таймс» газетасида Л. И. Брежневнинг ядро фалокати олдини олиш жуда зарур эканлигини кўрсатиб бериши лозим бўлган мўътабар халқаро комитетни тузиш ҳақидаги таклифлари муҳим эканлиги тўғрисида ёзади. Олим ядровий қуролланиш пойгаси бевосита уруш хавфини туғдираётганлиги ҳақида гапириб ҳам ўтирмаймиз, бу қуроллани ишлаб чиқариш ва сақлашнинг ўзи ҳам жуда кўп кишиларнинг ҳаёти учун хавфхатар вужудга келтириши билан боғланган, деб таъкидлайди. Зўр berib қуролланиш учун жуда кўп моддий ресурслар сарфланганлигини ҳеч нарса билан оқлаб бўлмайди. Бу ресурслар жаҳоннинг кўп районларида одамларнинг машаққат ва азоб-уқубатлари билан курашмоқ учун зарур, деб уқтириб ўтади Р. Хайнд. Совет Иттифоқининг тинчлик борасидаги таклифларига ижобий тарзда ёндашиш ва ишонч муҳитини вужудга келтиришга интилиш лозим.

Илм-фан инсоният тараққиётини ҳамиша илгари силжитиб келди, деди Нобель мукофоти лауреати академик **Н. Басов** (СССР). Аммо фан-техника тараққиёти инсоннинг маънавий ривожидан ҳеч қачон шу асримиздагидек даражадан ўзиб кетмаган эди. «Чекланган ядро уруши»ни ёқлаб чиқаётган Ғарбдаги баъзи сиёсий раҳбарларнинг шиорлари буни тасдиқлайди. Ядро уруши бошланар экан, бу урушнинг доираси ҳеч қачон чекланмайди ва чекланиши мумкин эмас! Ахлоқий жиҳатдан тубан, маънавий фаросати чекланган кишиларгина буни тушунмаслиги мумкин!

Бутун жаҳон олимлари НАТОдаги баъзи мамлакатларнинг ва хусусан АҚШнинг янги ядро воситаларини, шу жумладан нейтрон қуролини жойлаштиришга, ҳарбий устунликка эришиш борасида тутган йўлидан жиддий ташвишланаётганлигини изоҳ қилмай қололмайдилар. Бу йўл жуда ҳам бемаъни йўл бўлиб, миллионларча кишилар бошига янги кулфатлар солади, тинчликни реал хавф остида қолдиради.

Ҳарбий техника соҳасида илмий кашфиётлардан фойдаланиб келинди ва бундан буён ҳам фойдаланилса керак. Афсуски, ҳозирча бунга чек қўйиш иложи бўлмаётир. Аммо олим ўзи яратадиган нарсаларнинг ҳаммасидан кишиларга қарши фойдаланиш мумкин эканлигини англаган тақдирда, сиёсатдан четда қолмаслиги керак. Шу боисдан биз, олимлар Л. И. Брежневнинг мўътабар халқаро комитетни вужудга келтириш тўғрисидаги таклифини астойдил қўллаб-қувватлашимиз керак. Ядро урушининг олдини олиш бу комитетнинг вазифасидир. Н. Басов барча совет олимлари номидан гапириб, КПСС XXVI съездида тинчлик борасида илгари сурилган таклифларни қўллаб-қувватлашга чақирди.

Кубанинг таниқли медик олими ва жамоат арбоби **С. Маринельо** бундай деди: бемаъни қуролланиш пойгасини тўхтатиш, батамом қуролсизланишга ва жаҳонда кескинлик манбаларини тугатишга эришмоқ учун барча кишилар зўр ғайрат-шижоат билан ҳаракат қилишлари зарур. КПСС Марказий Комитетининг партия XXVI съездига Ҳисобот докладида таърифлаб берилган амалий ва конкрет таклифлар урушни хоҳламаган ва тинчликни истаётган миллионларча кишилар қалбидан жой олди. Реакция кучлари халқаро вазиятни кескинлаштиришга, жаҳонни ҳалокат ёқасига келтириб қўйишга яна уринаётган ҳозирги пайтда янги совет таклифлари жуда муҳим аҳамиятга эгадир.

Кўп олимлар, деб уқтириб ўтди Канаданинг таниқли олими, Торонто университетининг физика профессори **П. Дерек**, ядро қуроли билан боғланган хавф-хатардан ташвишланаётганликларини кўпдан буён изоҳ қилиб келмоқдалар. Аммо менинг фикримча, олимлар ҳамжамияти ядро ҳалокатининг олдини олиш ва тинчликни мустаҳкамлаш мақсадида ўзининг куч-ғайратларини бирлаштириши жуда зарур.

«Халқлар ўртасида тинчликни мустаҳкамлаш учун» халқаро Ленин мукофоти лауреати, Ирландиянинг таниқли олими ва жамоат арбоби **Ш. Макбрайд** қуйидагиларни таъкидлаб ўтди: Буюк Британия ва Ирландия жамоатчилиги ядро қуролини тайёрлаш, ишлаб чиқариш ва жойлаштиришни халқаро майдонда тақиқлашни қўзда тутган ва кечиктириб бўлмайдиган тадбирларни кўришни ўз ҳукуматларидан талаб этиши лозим. Ядро қуролини қўлланиш ва бу қуролни ишлатиш билан таҳдид қилишни тақиқловчи халқаро конвенцияни ҳам тузиш зарур.

(ТАСС, 16 март).

КОСМИК ДАВР ХРОНИКАСИ

II.

Вақт кейинги йигирма йил ичида космосда эришилган зафарлар тўғрисидаги таассуротларимизни қанчалик хиралаштирмасин, одамнинг космосга биринчи бор учиши, очиқ космик фазога биринчи бор чиқиши, орбитада кемаларнинг биринчи бор туташуви, Ой ва планеталарга учирилган биринчи десантлар, Ойнинг биринчи фотопанорамаси, орбитада кема ёқилғиси камомадини биринчи бор тўлдириш каби инсоният эришган ютуқлар цивилизация тарихида абадий қолади. Жаҳон космонавтикасининг «биринчи»лари ютуқлари Ер планетасининг биринчи космодроми Байқўнғир билан боғлиқдир. Одам космосга биринчи бор парвоз қилган кунининг яқинлашиб келаётган 20 йиллиги муносабати билан ТАСС совет космонавтикаси эришган энг ёрқин ютуқларнинг қисқача йилномаси, «космик давр хроникасини таклиф қилади.

▲ **1960 йилнинг 19 августида** иккинчи космик кема учирилди. Унинг ичида Белка ва Стрелка деган итлар туширилган герметик кабина бор эди. Ҳайвонлар бир сутка учгач туширилувчи капсулада Ерга эсон-омон қўнди. Шундай қилиб бу итлар космосга парвоз қилиб, Ерга қайтиб тушган биринчи тирик мавжудотлар бўлди.

▲ **1961 йилнинг 12 февралида** такомиллаштирилган учирилувчи ракета Ернинг оғир сунъий йўлдошини орбитага чиқарди. Шу куни бу йўлдошдан бошқарилувчи космик ракета старт олди ва у автомат станцияни Венера планетаси сари чиқарди. Шундай қилиб бу, тарихда Қуёш системасидаги планетага биринчи старт берилиши бўлди ва бу старт чоғида неча миллион километр масофада аппаратларнинг бошқарилиш методлари ишлаб чиқилди.

▲ **1961 йилнинг 9 мартида** тўртинчи йўлдош-кема старт олди. Шу кемада учган Чернушка деган ит Ерга қайтиб тушди.

▲ **1961 йилнинг 25 мартида** совет олимлари ва инженерлари ичига ҳайвон солинган йўлдош-кеманинг сўнгги синов учишини ўтказдилар. Бешинчи кемада учган Звездочка деган ит ҳам эсон-омон учиб, туширилувчи капсулада Ерга қўнди. Шундай қилиб, Юрий Гагарин парвоз қиладиган кунгача атиги 17 кун қолди.

1961 йилнинг 12 апрели Москва вақти билан соат 12 да Совет Иттифоқининг ҳамма радиостанциялари ўз эшиттиришларини тўхтатиб, инсоннинг космосга биринчи парвози муваффақиятли чиққанлиги тўғрисида хабар қилди. Юрий Гагариннинг старти Байқўнғир космодромида соат 9 дан 07 минут ўтганда бўлди. Орадан 108 минут ўтгач, «Восток» кемаси Совет Иттифоқининг белгиланган районига эсон-омон қўнди. Жаҳоннинг биринчи космонавти қўниш жойидан: «Партия ва ҳукуматга айтиб қўйингки, ерга қўниш нормал ўтди, ўзимни яхши ҳис қиляпман...» деди. Шу куни дунёнинг ҳамма радиостанциялари шу учиш тўғрисида хабар berib, уни жаҳон маданияти тарихидаги жуда катта воқеа, деб атади.

1961 йилнинг 6 августида Байқўнғирдан старт олган иккинчи совет космонавти Герман Титов планета теварагидан 17 марта айланиб учди. Шу учиш вазифалари орасида узоқ космик учиш чоғида инсоннинг иш қобилиятини тадқиқ этиш ҳам бор эди. Иккинчи космонавт бир суткалик учиш программасини батамом бажарди ва ерга планетамизнинг космик баландликдан олинган илк суратларини келтирди. Унинг кемаси Юрий Гагарин кўнган жойдан сал нарига бориб қўнди.

1962 йилнинг 16 мартида совет олимлари «Космос» туркумидаги автомат йўлдошлар ёрдами билан космик фазо ва ер атрофи фазосини ўрганиш кенг программасини амалга оширишга киришдилар. 1962 йилда шу туркумдан жами 12 йўлдош учирилди. Улар Қуёш-Ер алоқаларини, ер магнитосферасини, радиация минтақаларини мунтазам равишда тадқиқ эта бошлади. Шу йўлдошларнинг ичида космик аппаратлар конструкцияларини такомиллаштириш, бошқариш системаларини пишиқтириш билан боғлиқ инженерлик ва конструкторлик вазифалари ҳам ҳал этилиб борди.

1962 йилнинг 11 ва 12 августида ичига космонавтлар А. Николаев ва П. Попович тушган киши бошқарадиган «Восток-3» ва «Восток-4» кемалари орбитага чиқарилди. Бу икки космик кеманинг бир вақтда учиши борасидаги биринчи тажриба бўлди. Бу тажриба чоғида кемалар ўртасида алоқа ўрнатиш, ҳаракатларни мувофиқлаштириш имкониятлари пишиқтирилди, иккки космонавтга бирдай шароитларнинг таъсири текшириб кўрилди. 15 августда Николаев ва Попович 71 соат давом этган биринчи группавий учишдан кейин, Қарағандадан сал нарида, қарийб бир вақтда ерга қўндилар.

1962 йилнинг 1 ноябрида илк бор Марс планетасига

ЎЗБЕКИСТОНДА СОВЕТ АДАБИЁТИ КУНЛАРИ ОЛДИДАН

АДАБИЁТЛАР ДЎСТЛИГИ—ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ

БИЗНИНГ СУҲБАТ

ҚУЁШЛИ ДИЁР МУҲАББАТИ

Лев ОШАНИН,
СССР Давлат мукофоти лауреати.

— Эндиликда беполён мамлакатимизнинг турли бурчакларида Совет адабиёти кунлари ўтказилиши анъанага айланиб қолди. Совет адабиёти кунларининг — адабиёт байрамларининг шу жиҳати диққатга сазоворки, қалам аҳли билан учрашиш китобхонлар учун мароқли, айни чоғда позиктаъб китобхон билан юзма-юз келиш — адиблар учун ҳам бир имтиҳондир. Шуни ҳам айтиш керакки, биз — ижодкорлар меҳнаткашлар ҳузурида бўлганимизда замондошларимизнинг бугунги ҳаёти билан яналм чуқурроқ ва атрофлича таниш-маниз. Бу эса янги асарларнинг туғилишига восита бўлади. Совет адабиётининг қаҳрамонлари худди мана шу — толмас, бунёдкор ишчилар, меҳнаткашлар, бизнинг хассос китобхонларимиздир.

Яқиндагина пойтахтнинг И. А. Лихачев номидаги автозаводида Совет адабиёти кунлари бўлиб ўтган эди. Адабиёт кунлари ишчилар билан ижодкорларнинг катта байрамига айланиб кетди. Адабиёт кунларида сўзга чиққан бир ишчи чин юракдан шундай дегани эсимда: ёзувчиларимиз билан бўлган учрашув менда жуда чуқур таассурот қолдирди. Шуни алоҳида мамнуния билан қайд этишим керакки, шу учрашув туфайли мен замондош ёзувчим қалбини, уларнинг ижодиня янаям чуқурроқ ва аниқроқ тасаввур этишга муяссар бўлдим.

Ҳа, чиндан ҳам Совет адабиёти кунларининг ҳар жиҳатдан аҳамияти катта. Замондошларимиз ҳаётини тубдан ўрганиш, уларнинг меҳнат фаолияти билан яқиндан таниш улар ҳақида яратаётган асарларимизнинг ҳаққонлиги, кенг кўламли бўлишини таъминлайди. Шу ўринда мен биргина мисол келтирмоқчиман: қўёшли Ўзбекистон менинг қалбимга бўлакча яқин диёр. Мен ўзбек тупроғини кезган шоирман. Мен меҳмондўст, кўнгли очиқ, сахий ўзбек халқи тарихини, таомилини, фе-лини биламан. Бу эса буюк Ибн Сино ҳақида асар ёзганимда жуда қўл келди. Ҳеч шубҳа йўқки, эртага қўёшли ўзбек диёрида бошланадиган Совет адабиёти кунлари адибларимиз ижодида ҳам, меҳнаткаш ўзбек халқи ҳаётида ҳам унутилмас излар қолдиради.

МУШОИРА ДАВОМ ЭТАДИ

Римма КАЗАКОВА,
СССР Ёзувчилар союзи правлениеси секретари.

— Куни кеча Совет адабиётн кунлари олдидан «оқ олтин» ўлкасининг пойтахтида катта мушоира бўлди. Шунда мени бир нарса жуда ҳам тўлқинлантирди. Совет кишилари — шеърхон халқ. Лекин ҳар гал серқуёш Ўзбекистонда бўлганимда шунга бот-бот амин бўламанки, ўзбеклар шеърхонгина эмас, балки шоирпарвар халқ. Шунинг учун ҳам бу ўлкада ҳамиша мушоира этади давом...

Совет адабиёти кунларининг Ўзбекистонда ўтиши биз — адиблар учун катта аҳамиятга эга. Бултур ўзбек пахтакорлари мисли кўрилмаган муваффақиятга эришдилар. Биз областларда бўлганимизда уларнинг қилаётган ишлари билан таниш-маниз, бу эса азамат пахтакорлар ҳақидаги таассуротларимизни янада бойитади. Биз ҳар гал Ўзбекистонга келганимизда бир олам таассурот, бир олам илҳом билан қайтамиз. Биз ҳар сафар Ўзбекистонда ўз ишининг устаси бўлган, чуқур маънавий оламга эга, адабиётни теран ндрок қиладиган, тушунадиган ажойиб кишиларни учратамиз. Улар бизнинг қалбимиздан абадий жой олди, мангулик ҳамроҳларимизга айланади. Биз уларнинг гўзал ҳаётини тараннум этамиз...

Совет адабиёти кунлари ана шундай ажойиб учрашувларга бой бўлишига аминман. Чунки адабиёт кунлари ўтадиган бу юрт — олтин қўлли бунёдкорлар диёридир!

КПСС XXVI съездида ёзувчиларимиз олдига ҳам катта вазифалар қўйилди. Ўзбекистонда ўтадиган Совет адабиёти кунлари партия съезди қарорларини амалга оширишда борасида қилинаётган қатор тадбирлардан биридир. Биз адиблар Совет адабиёти кунларида ўз олдимизда турган янгидан-янги вазифаларни яна бир карра режалаб оламиз.

Адабиёт кунлари «Ёзувчи меҳнати — партия ва халқ» шиори остида ўтаётгани бежиз эмас. Шуни ҳам айтишим керакки, Совет адабиёти кунларида ўнлаб истеъдодли ёш шоирлар, адиблар ва адабий танқидчилар ҳам иштирок этишади. Улар шеърхон ўзбек халқини ажойиб асарларидан баҳраманд этиш билан бирга ўз ижодларини янги, ранг-баранг мавзулар билан бойитишлари ҳам шубҳасиздир.

СОВЕТ АДАБИЁТИ КУНЛАРИГА БАҒИШЛАБ

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат кутубхонасида «Халқлар дўстлиги — адабиётлар дўстлиги» деб аталган кўргазма очилди. У Ўзбекистон ССРда 19 март куни бошланадиган Совет адабиёти кунларига бағишланди.

Стендларда совет ёзувчиларининг СССР халқларининг кўплаб тилларида ёзилган китоблари бор. Ўзбек китобхони СССР миллий маданиятлари вакилларининг роман, повесть, шеърларини ўз тилида ўқий олади. Михаил Шолохов, Георгий Марков, Константин Симоновнинг қаҳрамонлари, Грузиядан Г. Гулиа ва Н. Думбадзе, Бошқирдистондан Мустай Карим, Литвадан Э. Межелайтис, Латвиядан А. Упит, Эстониядан П. Куусберг, Белоруссиядан И. Шамякин ва А. Кулешов, Дағистондан Расул Гамзатов, Украинадан Олес Гончар ва Александр Корнейчукларнинг асарлари ўзбек китобхонига яқин бўлиб қолган. Қардош халқларнинг фольклор асарлари ҳам Ўзбекистонда катта шуҳрат қозонган. Мамлакатимиз халқларининг эртаклари, қўшиқлар, мақолалар, маталлар тўпламлари Ўзбекистонда кўплаб нусхада нашр этилмоқда.

Ўзбек олимларининг кўплаб тадқиқотлари ҳам адабиётлар дўстлиги тўғрисида ҳикоя қилади.

Китоблардаги дастхатлар ҳам адабиётлар алоқасининг узоқ йиллик тарихи саҳифаларини эсга солади. Иван Ленинг «Тоғлар орасида» романининг биринчи бетида ўзбек диёридаги меҳмондўстлик учун миннатдорчилик сўзлари ёзилган. Бу китоб қардош республика ёзувчисининг Совет Ўзбекистони тўғрисидаги биринчи йирик асаридир. Украиналик бу ёзувчи 30-йилларда Ўзбекистонда яшаган ва ишлаган эди.

(ЎзТАГ).

«Ёзувчи меҳнати — партия ва халққа» — республикамизда ўтказиладиган Совет адабиёти кунларининг мавзуи ана шундай. Совет адабиёти кунларида беполён мамлакатимизнинг таниқли адиблари иштирок этишади. Улар партиямиз режаларини амалга оширишда ёзувчиларнинг масъулияти ва роли ҳақида ижодий баҳс юритишади, китобхонлар билан учрашишади. Суратда: Совет адабиёти кунларида иштирок этадиган бир гуруҳ адибларни Тошкент аэропортида кутиб олиш.

Совет турмуш тарзи

САОДАТ ЙЎЛИ

У саодатли аёл. Унга саодат берган, бахт эшигини очган халқ. У халқ манфаати йўлида ҳалол хизмат қилди. Эл эса уни улуғлаб кўкларга кўтарди. Шундай қилиб, оддий деҳқон қизи катта саодат эгасе бўлди. Лекин бу осонликча бўлгани йўқ. Суронли уруш йилларида кечган гамгин болалик, Оҳангарондаги 9-болалар уйида тарбия топиш, камолот ёшига етиб-етмай ҳунар-техника билим юртида ўқиш машаққатлари, дастҳоҳа бўйи етмай чеккан изтироблари...

— Наҳотки қабул қилишмаса? Бу ерда ишлаш менга насиб қилмаса-я? — дерди у ташвиш билан. Бироқ ўз фикридан қайтмади. Балки уни амалга ошириш нияти билан ёнди.

Ундаги ирода ва эътиқод саодат кошонаси томон қўйилган эшиклардан бир-бир босиб, шохсунага олиб келди. Буолма Жўраеванинг меҳнат фаолияти ана шундай ўйлар, изтироблар ва ўзига хос машаққатлар билан бошланган эди. Энди-чи?

Эсини танибдики, комбинатда, ишчилар орасида. Меҳнатда эришган катта ютуқлари учун унга юксак ишонч билдиришди. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони бўлди, икки марта Ленин ордени, Октябрь Революцияси ордени билан мукофотланди. Коммунистлар уни КПСС XXIV съездига делегат қилиб сайлашган эди. Буолма опа бу ишончни муносиб оқлади. Шу сабабли Тошкент область партия конференцияси қатнашчилари бир овоздан уни иккинчи марта КПСС XXVI съездига ҳам делегат қилиб сайладилар. Қаранг, ҳақиқатан ҳам қисқа ва оддийгина, аммо ҳамма ҳавас қилса арзийдиган таржимаи ҳол. У жон куйдириб ишлайди. Бутун билим ва тажрибасини аямай астойдил меҳнат қилади. Комбинат ишчилари Буолма Жўраевани талабчан, меҳрибон, зийрак ва уддабурон мураббий, яхши ташкилотчи деб биладилар.

Мана, неча кундирки, Буолма опанинг оромида кўним йўқ. Съездда ўйлаб, пишитиб қўйган режаларини амалга ошириш ҳаракатида. Кунлик норматн бемалол бир ярим икки ҳисса бажариб, 230—240 килограммдан арқоқ тайёрлаётган бўлса ҳам иш унумини янада ошириш учун куйманади. Чунки йигирув фабрикаси комбинатда энг асосий бошланғич участка ҳисобланади. Бу ерда газлама учун асосий маҳсулот — ип тайёрланади. Ип қанча кўп ва сифатли бўлса, демак ундан шунча кўп ва сифатли газлама тўқилади.

Ҳозир бир ўзи 2400 та урчуқда ип йигирянти. Урчуқларни бундан ҳам кўпайтириш учун яна нималар қилиш керак? Вақтни нималар ҳисобига тежаштирса бўлади? Фақат ўзи эмас, балки барча ҳамкасбларининг ҳам унумли ишлашига қандай қилиб эришса бўлади? У мана шулар ҳақида ўйлайди, режалар тузади. У айниқса ёшлар билан ишлашга, ўзининг тажрибаси ва маҳоратини уларга ўргатиш ҳақида кўпроқ қайғуради.

Комбинат коллективининг асосий қисмини ёшлар ташкил қилади. Уларга кўп йил ишлаб тажриба орттирган ишчилар мураббийлик қилишмоқда. Корхона партия ташкилоти ташаббуси билан меҳнат ветеранлари комбинат қошидаги ҳунар-техника билим юртида ҳам ўз билим тажрибаларини ёшларга ўргатмоқдалар.

— Комбинатимиз қошида ҳунар-техника билим юртининг ташкил этилганига ўн икки йил бўлди, — дейди Буолма Жўраева. — Уни тамомлаб, комбинатга йўлланма олган ишчилар меҳнатда доврўг таратишяпти. Билим юртида малакали ишчилар тайёрлаш учун барча шарт-шароитлар яратилган. Бу ўқув жараёнидаёқ талабаларнинг ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда билим олишларига имкон беради. Улар ётоқхона ва стипендия билан таъминланган. Комбинатнинг улкан спорт комплекси, маданият саройидаги бадиий ҳаваскорлик, техника тўгараклари ёшларнинг ихтиёрида. Бу қулайликларга жавобан ёшлардан пухта билим, касбга чуқур муҳаббат, ҳа, яна айтяпманки, чуқур муҳаббат талаб қилинади. Билим юртида аввал ўқиб, ҳозир илғорлар сафида бораётган Бозоргул Юсупова нормадаги 1160 ўринга 2000 та урчуқда иш бажарянти. Шогирдларим Бибиражаб ва Ҳакималар эса ёшларга ўз маҳоратларини ўргатмоқдалар. Бухоро тўқимачилик комбинатининг илғор ип йигирувчиси Сожида Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан тақдирланди. Шогирдларим Иттифоқимизнинг турли шаҳарларида меҳнат қилишмоқда. Уларнинг ютуқлари ҳақида эшитиб, беҳад қувонаман. Яқинда Кубадаги шогирдларимдан хат олдим. Улардан бири меҳнат илғори номини олишга муяссар бўлибди. Уларнинг ҳар бирининг ўзига хос қувончи, ўзига яраша ташвиши бор. Боғбон боғ яратишга, устоз эса мактаб яратишга ҳаракат қилар экан. Билмадим, устоз сифатида қанчалик муваффақиятга эришдим. Яхшиси бу ҳақда мен эмас, касбдош ўртоқларим, мусобақадошларим гапира қолишсин.

Ҳозир эса комбинатимизга келаётган баъзи ёшлар ҳақида тўхталмоқчиман. Мен иш фаолиятим даврида кўп қизлар билан суҳбатлашганман. Уларнинг орзу-ҳаваси, ташвишу қувончларини билиб олганман. Кўплари мактабдан-оқ комбинатга келишни орзу қилишарди. Билим юртимизнинг эшиклари бундай ёшлар учун, албатта, кенг очиб қўйилган. Эндиликда кенг, ёруғ ва озода аудиториялар уларники.

Ёшлар ўз номи билан ёш. Ҳар биримизнинг ёшлар даврида кўз олдимизга қалби қайноқ, ҳар бир янгиликка қизиқувчан, интилувчан, турмушнинг ҳар қандай синовларига бардош берадиган, уқувли, қобилиятли, меҳнатсевар йигит-қизлар келади. Улар ҳақида ҳар қанча ғурурланиб сўзласак ҳам оз. Аммо келажакнинг баланд чўққиларига интилаётган ёшлар билан фахрланишнинг ўзи кифоя қилмайди. Уларни йўлга солиш, ўқитиш, ўргатиш, меҳнатга муҳаббат, касбга ҳурмат туйғусини тарбиялаш биз — катта ҳаёт мактабини ўтаган кишиларнинг, ота-оналарнинг вазифасидир.

Қўлларида бир парча ариза кўтариб «қўл қўйиб беринг, кетишга ҳақ қилдим» деганларга нима деб жавоб қайтариш мумкин. Улардан умидларимиз катта эди-ку. Биз улардан кўп нарса кутган эдик. Бундай қўнимсизликка албатта, барҳам бериш керак.

Юқорида таъкидлаб ўтилган имкониятларнинг қадрига етадиган ишчиларимиз жуда кўп. Улар қийинчиликлар олдида довдираб қолишмайди. Уларда меҳнатга, ўз касбига ҳурмат билан қараш туйғусини тарбиялаш муҳимдир.

Табиийки, фарзандларга қандай тарбия берсак, улар ҳудди ўша йўлдан борадилар. Узоққа бормай ўз оиламдан, ҳаётимдан мисол келтирмоқчиман. Икки ўғлим ва бир қизим бор. Катта ўғлим комбинатимизда, мен билан бир цехда электромонтёр, яна бири шофер бўлиб ишлайди. Қизим эса Крупская номли педагогика билим юртини тамомлаб арафасида. Бир суҳбат орасида савол бердим: «Сизларга янгидан касб танлаш ҳуқуқи берилса, қай бирини танлардингиз?»

Бир овоздан «Худди ҳозиргисининг ўзини», — деб жавоб қилишди улар. Демак, фарзандларим ўзлари танлаган йўлдан адашмай борадилар.

Баланд тоғлар бағридан пастга ирмоқ солиб, йўл олган жилғалар шошилмай салобат билан оқаётган дарёлар томон шошилар экан. Нега? Гўёки, улар тезроқ дарёларга қўшилмоқчи-ю, ўша виқорли тоғларга муносиб вазмин қуйлашга ошиқаётгандай. Инсонлар ҳам худди шундай. Улар юксак қалбларга, илҳомбахш парвозларга интиқ яшайдилар.

Ш. ЭРГАШЕВА.

СПОРТ

ГТО: САЛОМАТЛИК ОМИЛИ

Бундан 50 йил муқаддам, 1931 йилнинг мартида Ленин комсомоли ташаббуси билан ГТО Бутуниттифоқ комплекси ҳаётга жорий этилган эди. Дастлабки йилиёқ ГТО кенг оммавийлик касб этди. Ишчилардан тортиб таниқли санъатқорлар, ёзувчиларгача ГТО стартларига чиқишди. Машҳур шахтачи Алексей Стаханов, ВЛКСМ Марказий Комитетининг бош секретари Александр Косарев, композитор Дмитрий Шостакович, ёзувчи Аркадий Гайдар сингари таниқли совет кишилари биринчилардан бўлиб саломатлик комплекси синовларидан ўтишди.

ГТО фаолият кўрсата бошлаган дастлабки ўн ойда 400 минг киши янги комплекс нормативини бажарди. 1933 йилнинг охирига келиб, мамлакатда ГТО нишондорлари сафи қариб 3 миллионга етди.

1938 йил августида Москвада ГТО комплекси қўпкураши иккинчи босқичи бўйича мамлакатнинг биринчи чемпионати ўтказилди. Чегачи В. Светилко биринчи олтин медални қўлга киритди. Кейинчалик у оғир атлетика бўйича икки карра Европа чемпиони, жаҳон чемпионатларининг бир неча бор совриндори бўлди. Машҳур боксчи, мамлакатнинг тўрт карра мутлақ чемпиони Николай Королев, икки карра Олимпиада чемпиони Виктор Чукарин ҳам ГТОнинг биринчи нишондорларидан.

Бугунги кунга келиб, ГТО совет жисмоний тарбия системасининг асосига айланиб қолди. Унинг қадами етмаган меҳнат коллективи, оила қолмади. Ҳозир 80 миллиондан ортиқ кишининг кўксида ГТО нишонлари порлаб турибди. 1972 йилнинг мартида «Комсомольская правда» газетаси совринлари учун ГТО янги комплекси бўйича СССР чемпионати низоми эълон қилинди. Бутун мамлакат баланд руҳ билан янги стартларга чиқди. 7 ёшдан 70 ёшгача бўлган кишилар ГТО чемпиони бўлиш учун кураш бошладилар. Улар орасида мактаб ўқувчилари, колхозчи ва ишчилар, санъаткор ва ёзувчилар, космонавтлар, партия ва комсомол ходимлари бор эди. «ГТО чемпиони бўл!», «ГТО нишонидан — Олимпиада медалига!», «Оила билан ГТО стартларига» шиорлари ўртага ташланди.

Республикамизда ҳам нишондорлар тайёрлашга йил сайин катта эътибор берилаётир. Ўзбекистон вакиллари мамлакат биринчиликларида муваффақиятли иштирок этиб келишаётир. Ўтган йилларда миллионлаб меҳнаткашлар, ёшларимиз саломатлик синовларидан ўтишди. Уларнинг энг яхшилари республика ва мамлакат мусобақаларида қатнашишди. Биргина ўтган йилнинг ўзида республикамизда 1 миллион 536 минг 695 нафар ГТО нишондорлари тайёрланди.

Шу кунларда жойларда Бутуниттифоқ комплексининг 50 йиллигига бағишланган тадбирлар, мусобақалар ўтказилмоқда. Олмалиқ кон-металлургия, Тошкент тўқимачилик, Наманган шойи-газламалар комбинатларида ГТО юбилейига бағишланган мусобақалар байрам руҳида ўтди. Пойтахтимиздаги кўпгина стадионларда ҳам ГТО нормативларини топшириш учун қизғин беллашувлар бормоқда.

«Кишиларнинг сиҳат-саломатлиги ҳақида ғамхўрлик қилиш физкультура ва спортнинг ривожланиши билан чамбарчас боғланган», — деди КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев партия XXVI съездида қилган Ҳисобот докладида. Дарҳақиқат, физкультура ва спорт меҳнаткашлар саломатлигини мустаҳкамлашда муҳим роль ўйнайди. Шунинг учун ҳам физкультурачилик ҳаракатини оммалаштиришда ГТО муҳим омиллардан бўлиб қолаверади.

О. САФАРОВ.

Редактор
М. ҚОРИЕВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Время. 9.40 — Гимнастика. 10.05 — Мультфильмлар. 10.35 — Уч йил. Бадиий фильм. 2-серия. 11.50 — Композитор А. Николаев асарларидан концерт. 12.30 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Илмий-оммабоп фильм. 15.40 — Фантастик симфония. 16.35 — Мураббий. 17.05 — Шахмат мактаби. 17.35 — Фильм-концерт. 18.05 — Горичилар қаердасиз. 18.35 — Жасорат. 18.05 — Ҳамма нарсани билишни истайман. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Концерт. 20.00 — Кинокамера оламни кузатади. 21.30 — Время. 22.00 — Футбол бўйича кубок эгаларининг кубоги учун. Кўрсатув тугагач дунё воқеалари.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАЛАРИ

I.

18.20 — Бизнинг ҳовлимиздаги олимпиадачилар. 18.35 — Болалар учун концерт. 19.05 — КПСС XXVI съезди қарорлари ҳаётга. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Париж коммунаси ва рассомлар. 20.15 — Пиллачиларнинг шу кунги муҳим вазифалари. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концерт. 21.30 — Время. 22.05 — Тоғ қизи. Бадиий фильм. 23.30 — Оламда нима гап?

II.

18.40 — Фильм-концерт. 19.00 — Ёшлик. 19.30 — Ўзбекистонда Совет адабиёти кунларига. 20.00 — Янгиликлар. 20.15 — Эстетика асослари. 20.55 — Физика.

РАДИО

БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Классик куйлардан концерт. 9.35 — Халқ талантларининг концерти. 12.10 — Ўзбекистан индустриальний. 13.00 — Байроқдор хўжаликда. 14.00 — КПСС XXVI съезди қарорлари ҳаётга! 18.15 — Саломатлик туман бойлик. 18.25 — Баҳор тароналари. 19.25 — Республикада хизмат кўрсатган артист А. Хўжаев чалади. 21.00 — Париж коммунасининг буюклиги. 21.10 Шеърият кечаси. 21.30 — Севги қўшиқлари. 22.30 — Радиотингловчиларнинг талабларига биноан концерт. 23.15 — Дам олиш соатида.

«ГЛАВЛЕНИНГРАДСТРОЙ»НИНГ 104-ТРЕСТИ БАЗАСИДАГИ

55-ЛЕНИНГРАД ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ ЙИГИТ ВА ҚИЗЛАРНИ

ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юртида ўрта маълумотлилар: бўёқчи, суворчи-плитка ётқизувчи, плитка ётқизувчи-пардозловчи-мозаикачи, дурадгор, ғишт терувчи касбларини ўрганишлари мумкин.

Ўқиш муддати — бир йил;

8-синфни битирганлар (қизлар): бўёқчи-суворчи, суворчи-плитка ётқизувчи, плитка ётқизувчи-пардозловчи-мозаикачи касбларини ўрганишлари мумкин. 9-синфни битирган қизйигитлар 2-курсга қабул қилинадилар.

3 йиллик муддатли ўқишга кирганлар ва 2 курсга қабул қилинганлар тўлиқ давлат таъминотида бўладилар. Бепул овқат, кийим-бош берилади, шаҳар транспортидан бепул фойдаланадилар.

Бир йиллик муддатли ўқишга қабул қилинганларга 75 сўм ҳажмида стипендия берилади.

Ҳамма ўқувчиларга ишлаб чиқариш практикаси давридаги иш ҳақининг 50 процанти берилади. Билим юрти ётоқхонага эга.

Билим юртида спорт, бадиий ҳаваскорлик, техника ижоди билан шуғулланиш учун ҳамма шароитлар яратилган. Ўқувчиларнинг маданий дам олишлари учун яхши шароитлар муҳайё.

Билим юртини битирганлар Ленинград шаҳридаги турар-жой ва маъмурий бинолар қурилишида иш билан таъминланади ва уларга квартира берилади.

Билим юртини битирганлар техникумлар ва олий ўқув юртларига киришда имтиёзлардан фойдаланадилар.

Қабул қоидалари ҳамма ишлаб чиқариш технина билим юртлари учун умумийдир.

ҲУЖЖАТЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНМОҚДА.

Машғулотлар 1 сентябрдан бошланади.

Билим юртига кириш бўйича тўлиқ маълумотларни олиш учун қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: 194291, Ленинград шаҳри, Луначарский проезди, 66-уй, 1-корпус. Телефон: 531-97-86.

«ГЛАВТАШКЕНТСТРОЙ»НИНГ УҚУВ КОМБИНАТИ

минорали кран машиналарини тайёрлайдиган

4, 5 ойлик курсларга

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Машғулотлар кундуз кунлари рус тилида олиб борилади. Стипендия 75 сўм.

Ёлғиз кишилар Тошкент шаҳрида ётоқхона ва прописка билан таъминланадилар.

Курсларни тугатганлар «СТРОЙМЕХАНИЗАЦИЯ» тресть бошқармаларида Тошкент шаҳрида иш билан таъминланадилар.

Машғулотлар группалар комплектланганда сўнг бошланади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри—96-алоқа бўлими, Оқтепа майдони, Ғ. Ғулом кўчаси, 6-уй.

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси

МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ ЎСИМЛИК МОДДАЛАРИ ХИМИЯСИ ИНСТИТУТИ

алкалоидлар химияси лабораториясининг кичик илмий ходимлари (3 ўрин)

ВАКАНТ ВАЗИФАЛАРИГА

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

КОНКУРС МУДДАТИ — 8 АПРЕЛГАЧА.

Адрес: 700170, Тошкент шаҳри, М. Горький проспекти, 77-уй. Телефон: 62-72-13.

СССР Соғлиқни сақлаш министрлигининг

ТОШКЕНТ ВАКЦИНА ВА СИВОРОТКА ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

ичак вакциналари лабораториясининг кичик илмий ходими

ВАКАНТ ВАЗИФАСИГА

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

КОНКУРС МУДДАТИ — 7 АПРЕЛГАЧА.

Мурожаат учун адрес: 700015, Тошкент шаҳри, Кафанов кўчаси, 93-уй.

РЕСПУБЛИКА РУС ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

кафедралар бўйича ВАКАНТ ВАЗИФАЛАРГА

ҚОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

мудирлар: рус тили ва адабиёти ўқитиш методикаси, рус ва чет эл адабиёти ҳамда таржима назарияси ва практикаси, 3-ҳозирги замон рус тили, нутқ маданияти ва таълимнинг техник воситалари;

катта ўқитувчилар: КПСС тарихи ва сиёсий иқтисод (сиёсий иқтисод — иқтисод фанлари кандидати), рус тили ва адабиёти ўқитиш методикаси.

КОНКУРС МУДДАТИ — 7 АПРЕЛГАЧА.

Адрес: 700110, Тошкент шаҳри, Академик В. Решетов кўчаси, 4-уй.

Театр

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 18/III да Келинлар қўзғолони, 19/III да Соқов рицарь, 20/III да Инқилоб тонги.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 18/III да Кулги нечаси, 19/III да Тўйдан олдин томоша.

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЁШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 18/III да Кўзингни каттароқ оч (19.00), 19/III да Чандиқлар (19.00), 20/III да Ташвишламанг, онажон (19.00).

ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ АБОНЕНТЛАР

ДИҚҚАТИГА!

Куйбишев шаҳрида шаҳар телефон тармоғи номерлари — олти рақамлидан етти рақамлига ўзгартирилди. Энди номерлар олдига «2» рақами қўшиб терилади.

Масалан: Куйбишев шаҳридаги справка хизматига чиқиш учун — 8+8462 332583 ни териш зарур.

Республика шаҳарлараро телефон станцияси.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

Редакция адреси: 700000, Тошкент—П, Ленин кўчаси, 41.

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор — 33-65-45, 32-53-04, 33-72-83, 32-53-06; БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, капитал қурилиши — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09, 32-54-18, фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 32-53-16, 32-53-20, 32-53-21, 32-54-13, иллюстрация — 32-57-22, эълонлар бўлими — 33-81-42; ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ: ҚКАССР — 2-42-62; Тошкент — 32-53-20; Самарқанд — 5-19-71; Сирдарё — 2-05-27; Сурхондарё — 3-92-36; Хоразм — 5-51-24; Бухоро — 3-31-42; Қашқадарё — 61-35; Фарғона — 4-20-84; Андижон — 4-48-85; Жиззах — 31-66. редактор ўринбосарлари — 33-06-83, 32-55-04, 33-44-55, 32-55-05, масъул секретарь — 33-79-14, 32-53-05, секретариат — 33-90-50. Қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70; адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16; совет қурилиши — 32-57-20; 33-44-51, 32-57-21, 32-54-24, ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, 32-54-26, 32-54-27, хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 33-35-53, коммунистик тарбия — 32-54-29, стенографистка — 33-73-43, 32-54-05, жамоатчилик қабулхонаси — 33-89-26, 32-52-26; 33-21-45, 33-35-53, 33-81-42; Хоразм — 5-51-24; 3-31-42; 61-35; 4-20-84; 4-48-85; 31-66. Нашриёт диспетчери — 32-78-94. Нашриёт телефон станциясининг навбатчиси —

Р. 01866. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64583. В. — 64. 10